Шу азиз Ватан — барчамизники!

Ишонч

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси • 1995 йил, 24 ноябрь • № 47 (241)

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

Болалар тўғрисида давлат ғамхўрлигини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов "Болали оилаларга давлатнинг ижтимоий ёрдамини кучайтириш тўғрисида" Фармон қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга амалий ташриф буюрган Молдова Республикаси Бош вазири Андрей Сангелини қабул қилди.

Молдова Бош вазири икки мамлакат ўртасида иқтисодий алоқаларни ўрнатиш муҳимлигини таъкидлади.

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда республикамиз Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди. П.Абдурахмонов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири вазифасида ишлаб келаётган А. Мардиев Самарқанд вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

ҚАРДОШЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН ҚУТЛУҒ ҚУРУЛТОЙ

21 ноябрь куни Тошкентдаги муҳташам «Туркистон» саройида Марказий Осиёда истиқомат қилаётган қардош халқлар вакилларининг қурултойи тантанали равишда очилди.

Қурултой унда иштирок этиш учун келган қардошларимиз — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон республикалари вакиллари бўлмиш таниқли адиблар, олимлар, маданият ва санъат арбобларининг улуғ мутафаккир ва шоир Алишер Навоий ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйиб, буюк бобокалонимиз руҳини ёд этишдек ибратли зиёрат билан бошлангани бежиз эмас. Зотан, ҳазрат Навоий бундан 600 йилча илгари қўҳна Турон замини халқлари маданиятларининг муштараклигини, тарихи ва тақдири узвийлигини тараннум этган, ана шу ҳамжиҳатлик ва муштараклик ғояларини тарғиб қилган улуғ башоратўй сиймодир.

Қурултойни ташкилот қўмитасининг раиси, таниқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов қисқача кириш сўзи билан очди.

Анжуманда Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоновнинг қурултой қатнашчиларига табриклари ўқиб эшиттирилди.

Қурултойда анжуман ташкилот қўмитасининг раиси Чингиз Айтматов маъруза қилди.

— Биз Тошкентга ўзимизнинг ташвиш ва муаммоларимизни, орзу ва истакларимизни, энг яхши нияту режаларимизни биргаликда, баҳамжиҳат муҳокама қилиш учун, қолаверса, Марказий Осиё минтақаси замонавий маданиятининг бугунги аҳволини таҳлил этиш ҳамда ягона бир фикрга келиш, ибратли хулосалар чиқариш учун тўпландик, — деди Чингиз Айтматов. — Сунгги пайтда Марказий Осиё деб атала бошлаган маҳоватли ҳудуд нафақат жўғрофий, балки тили, дини, тарихи ва келажагининг яхлитлиги жиҳатидан ҳам ягона ва бир бутун макондир. Бизни олис тарихдан ташқари совет тузуми даври билан боғлиқ тақдиримиз ва бу собиқ тузумдан ортгирган муаммоларимизнинг умумийлиги ҳам бирлаштириб туришини унутмаслигимиз керак.

Ч.Айтматов бу улкан муаммоларни минтақа халқлари фақат биргаликда, баҳамжиҳат ва аҳил бўлганликларидагина ҳал қилиш мумкинлигини алоҳида таъкидлади. Шу жиҳатдан олиб қаралганда Марказий Осиёда маданият арбобларининг бошини қовуштириш сари кенг йўл очган бугунги Тошкент қурултойининг аҳамияти жуда каттадир.

Маъруза юзасидан қурултой делегатлари — Узбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тулепберген Каипбергенов, Қозоғистон халқ ёзувчиси Абдижамил Нурпеисов, Қирғизистон маданият ишлари вазири Чолпонбек Базарбаев, Тожикистон Фанлар академияси академиги Муҳаммад Осимов, қозоғистонлик таниқли шоир Мухтор Шаханов ва бошқалар сўзга чиқди.

Анжуман қатнашчилари минтақа илмий-адабий жамоатчилиги халқаро ҳаракати — «Марказий Осиё мамлакатлари халқлари маданият арбоблари ассамблеяси»ни тузиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Шундай қилиб, Марказий Осиёда минтақа маданияти ва санъати ривожига ҳисса қўшиш учун бел боғлаган янги бир тузилма — ҳукуматга алоқадор бўлмаган ташкилот дунёга келди.

Делегатлар ассамблея раҳбарлигига кўрсатилган номзодлар учун овоз бердилар. Атоқли адиб Чингиз Айтматов ассамблея президенти, Узбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов биринчи вице-президент этиб сайланди.

Қурултой аҳли Марказий Осиё халқлари маданият арбобларига мурожаатнома қабул қилди.

Анжуман сўнгида беш республика санъат усталарининг катта концерти намойиш этилди.

(ЎзА).

Иқтисодиёт хабарлари

ҒАЛЛАОРОЛ мева ва сабзавотни қайта ишлаш ҳиссадорлик жамияти шу кунгача туман хўжаликларидан 2995 тонна помидор, 655 тонна олҳўри, 15 тонна урик қабул қилиб олди. Корхона жамоаси ана шу маҳсулотлардан турли шарбатлар, ичимликлар, мураббо, повидло, томат пастаси тайёрламоқда. Улар консерваланиб, буюртмачиларга жўнатила бошланди.

Югославия технологияси асосида томат пастаси тайёрланаётган цехга Анвар Файзуллаев, консервалаш цехига Зокир Дўсаевлар раҳбарлик қилмоқдалар.

Маҳсулотни қайта ишлашда Толиб Бўриев, Нилуфар Қурбонова, Мавжуда Бўриева, Атҳам Собиров, Омон Қаршиев, Ҳолида Исроилова, Мавжуда Қаршиевалар бошқаларга ўрнак.

— Жамоамиз кучи билан шу кунгача 22 миллион 214 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди, — дейди корхона раҳбари Шодиёр Сафаров. — Қисқа вақт ичида 5 миллион 400 минг шартли банка консерва маҳсулотлари тайёрланди. Соатига 600 — 700 килограмм мевани қуритиб берувчи цехни ишга туширдик. Бошқирдистонга қуруқ мева жўнатилиб эвазига шакар олинади.

Свердловск, Братск шаҳарларидаги ҳамкорлар билан ҳам худди шундай мол айирбошланмоқда.

А. ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири.

ҚИЗИЛҚУМ маликаси ҳисобланадиган олтинтопарлар маскани Зарафшон кун сайин чирой очмоқда.

Бу ерда йириклиги жиҳатидан Қизилқумда ягона бўладиган тижорат бозори қад кутаради. Ҳозирги кунда мутахассислар миллий ва замонавий меъморчилик асосида қуриладиган ушбу бозор лайиҳасини тайёрламоқдалар.

Келгуси йили қурувчилар уни бунёд этишга киришадилар.

«Ишонч» мухбири.

БИРЖА ЯНГИЛИКЛАРИ

Республика қўчмас мулк биржаси ўтган ҳафтада вилоятлардаги бўлимлар билан биргаликда 17 та кимошди савдоси ва танловлар утказди. Унда 176 та иншоотлар сотилди. Шу жумладан, 27 та савдо ва маиший хизмат дуконлари, 12 та уйлар, 3 та қурилиши тугалланмаган иншоотлар, 5 та ёғилги қуйиш шоҳобчалари, 40 та савдо ва хизмат кўрсатиш корхонаси ер заминлари умрбод мулк қилиб бериладиган 57 та ер участкалари, 26 та автотранспорт ва бошқалар янги мулкдорлар қўлига ўтди.

Сотилган барча иншоотларнинг бошланғич нархи 731964 сўм бўлса, улар 1210166 сўмга сотилди.

* * *

Республика қимматбаҳо қоғозлар «Тошкент» биржасида 21 ноябрь куни оддий акциялар савдоси бўлди. Унда 44 та корхона ва бирлашмаларнинг 50807 та акция қоғозлари сотилди.

Унда Улуғбек пахта тозалаш заводининг акциялари 100 сўм ўрнига 900 сўмдан, шунингдек, Андижон «Сёмурғ»ининг 2528 та акция қоғозлари баҳоси 100 сўм бўлгани ҳолда ҳар бири 750 сўмдан тезлик билан сотилиб кетди. Жами 50807 та акция қоғозининг бошланғич нархи 11690100 сўм бўлгани ҳолда, улар 66509100 сўмга сотилди.

* * *

Узбекистон Республикаси Валюта биржасида 21 ноябрда бўлиб ўтган савдо ҳажми 11,31 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Бир АҚШ долларининг қиймати 36,00 сўм даражасида қайд этилди.

Ваколатли банклар эркин муомаладаги нақд валютани айирбошлаш фаолиятларида сотиш ва харид қилиш қийматини мустақил ҳолда белгилайдилар. Валютани аҳолидан харид қилишда воситачилик ҳақи олинмайди.

ТЎЛОВ ИНТИЗОМИ ВА ВЕКСЕЛ

Ҳар қандай хўжалик фаолиятини узлуксиз олиб боришда тўловларнинг вақтида амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга. Одатда, корхоналар орасидаги иқтисодий алоқа пул муомаласи билан белгиланади. Яъни корхонанинг молиявий аҳволига қараб, тўлов қобилияти ҳам юқори бўлади. Акс ҳолда, тўлов қобилияти пасайиб, молиявий мажбуриятларни бажаришда қийинчиликларга дуч келиш мумкин.

Маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхона қайси тармоққа мансуб бўлмасин, ўз фаолиятида энергия, ёқилғи, хом ашё, материаллар, ускуна, асбоблар, бутловчи қисмлар, ярим фабрикат етказиб берувчи, тайёр маҳсулотни кўтара сотиб олувчи савдо ташкилотлари хизматига эҳтиёж сезади. Бу хилдаги иқтисодий алоқаларнинг мустаҳкамлиги ва узлуксизлиги ўзаро тўловларнинг вақтида амалга оширилишига бевосита боғлиқ.

Корхоналар ўртасидаги шартномага кўра, етказиб бериладиган хом ашё, материал, бутловчи қисмлар ва ҳоказолар учун тўлов ҳақи банк орқали амалга оширилиб, пул бир ҳисобдан иккинчи ҳисобга ўтказилади. Агар маҳсулот олувчининг ҳисобида пули бўлмаса унда кўзланган режани амалга ошириш қийин.

Яқин-яқингача кўпчилик корхоналар зарур миқдордаги пул тушумини кутмасдан маҳсулотни бир-бирларига жўнатиб юбораверар эдилар. Бу тажриба ўзини оқламади. Кўпчилик корхоналарнинг дебитор ва кредитор қарзлари ойдан-ойга ошиб бораверди. Бунинг устига тўлов пул орқали олиб борилган шароитда тўловлар ўз вақтида бажарилмаганлиги учун оғир молиявий аҳвол юзага келди. Хўжалик ўз маҳсулотини сотиб, ишлаб топган пулини зудлик билан ўғит, ёқилғи, эҳтиёт қисм, электр энергияси, газ,сув учун йиғилиб қолган қарзларга тўлаб юборишга мажбур бўлди. Натижада ойлик маош тўлаш учун пул етмай қолиш ҳолатлари тез-тез учрай бошлади. Шундай шароитда векселларни тўлов воситаси сифатида ишлатиш йўлга қўйилиши айни муддао бўлиб, вазиятни юмшатишга ёрдам берди. Қарзларни узишни мўлжаллаб ажратилган векселлар биринчи навбатда энг катта қарзларни узиш имконини берди.

Ҳозирги кундаги энг муҳим масала — хўжаликларнинг илгаридан йиғилиб қолган қарзларини узишдир. Шу мақсадда вилоятларга қуйидаги миқдорда векселлар берилди. Қорақалпоғистон Республикасига — 721,6 млн. сўм, Андижон вилоятига — 723,4 млн. сўм, Бухорога — 853,9 млн. сўм, Жиззахга 721,3 млн. сўм, Қашқадарёга — 981,7 млн. сўм, Навоийга — 284,7 млн. сўм, Наманганга — 652,8 млн. сўм, Самарқандга — 590,7 млн. сўм, Хоразмга — 666,1 млн. сўм, Сурхондарёга — 891,4 млн. сўм, Сирдарёга — 831,2 млн. сўм, Тошкент вилоятига — 584,2 млн. сўм, Фарғона вилоятига — 876,5 млн. сўмлик вексел берилди.

Векселларнинг миқдори етиштирилган маҳсулотнинг ҳажми ва қийматини ҳисобга олиб белгиланган. Ажратилган векселлар тўла фойдаланилиб, вилоятларнинг кредитор қарзларини 70 фоизга камайтириш имконини берди. Вексел ажратиш декабр ойида ҳам давом этади.

Қишлоқ хўжалигида ҳосилни йиғиб-териб олиш ниҳоясига етаяпти. Векселлар ёрдамида йил охиригача барча қарзлар узилиб, хўжаликлар ҳисобида пул пайдо бўла бошлайди. Хўжалик ҳисобида пул пайдо бўлиши маошни ўз вақтида тўлаш имконини беради. Ундан ташқари вексел ёрдамида тўловларни олиб бориш ўғит, ёқилғи, эҳтиёт қисм ва бошқа сарф-харажатлар учун олдиндан пул ўтказиш имконини беради.

Хўжаликлар молиявий аҳволининг тахлили шуни кўрсатаяптики, вексел жорий қилингандан кейин муддати узайтирилган қарзлар ҳам камая бошлади.

Хўжаликларнинг молиявий аҳволи анча яхшиланиб бораяпти. Масалан, ноябрь ойининг бошига келиб, республика қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ҳисоб рақамидаги қолдиқ 51,3 млн. сўмни ташкил қилган. Маҳсулот етиштириб, юқори кўрсатгичга эришган Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида молиявий аҳвол нисбатан яхши.

Қишлоқ хўжалик корхоналари, ташкилотлари ниҳоятда оғир аҳволдан чиқиб олмоқдалар. 1996 йилда молиявий аҳвол анча яхшиланиши кутилмоқда. Вазирлик томонидан хўжаликларнинг иқтисодий хизматлари мустаҳкамланаяпти. Иқтисодий таҳлиллар, изланишларни кучайтириш, сарф-харажатларни меъёрлаш, назорат қилиш, тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, ундириладиган пулларни ундиришга эътибор қаратилаяпти. Бу сайи ҳаракат ўз натижасини бера бошлади.

Бу ерда векселнинг ўзига хос афзалликларини кўрсатиб ўтиш ўринли деб ўйлайман. Биринчидан, у маҳсулотни кўтарасига сотишни, ҳаракатдаги маблағларнинг айланишини тезлаштиради. Шунингдек у хўжаликларнинг кредит ресурсларига ва пул маблағларига бўлган эҳтиёжини камайтиради. Тўловларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлайди ва ҳоказо.

1995 йил ноябрь ойининг бошига келиб, қишлоқ хўжалик вазирлиги бўйича жами дебитор қарзлар 13.38 млрд. сўмни ташкил қилди. Шундан 11 млрд. сўмга яқини «Ўзпахтасаноати», 288,5 млн. сўм — «Ўзгўштсаноати» 74,3 млн. сўми «Ўздонмаҳсулот», 169,7 млн, сўми «Ўзмевасабзавотузумсаноати» уюшмаларининг ҳиссасига тўғри келади.

1995 йил ноябрь ойининг бошига кредитор қарзлар 14,9 млрд. сўмни ташкил қилди. Шундан 3,15 млрд. сўм «Ўздавнефтмаҳсулот»га, 915,7 млн. сўм «Ўзтаъминоттузатиш»га, 1,1 млрд, сўм «Ўзқишлоқхўжаликкимё»га, 3,84 млрд. сўм иш ҳақига, 253 млн. сўм қурувчиларга, 120 млн. сўм транспорт ҳақига, 29,6 млн. сўм газга, 371,4 млн. «Ўздонмаҳсулот»га, 234,2 млн. сўм электрэнергияга, 17 млн. сўм сувга, 759,4 млн. сўм ижтимоий суғурта фондига, 1,357 млрд. сўм пенсия фондига, 955,8 млн. сўм бюджетга қарз бўлиб қолинди.

1995 йилда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун аванс тариқасида тўрт босқичда 9,38 млрд. сўмлик вексел ёзиб тарқатилди. Биринчи босқичда 994,4 млн. сўмлик, иккинчи босқичда 1190 млн. сўмлик, учинчи босқичда эса яна 995 млн. сўмлик, тўртинчи босқичда 6 млрд. сўмлик вексел расмийлаштирилди. Қишлоқ хўжалик вазирлиги аппарати бўйича 200 миллион сўмлик вексел расмийлаштирилди.

Жами расмийлаштирилган векселларнинг 3,8 млрд. сўми нефт маҳсулотларига бўлган ва 1,5 млрд. сўми ўғитга бўлган қарзларни тўлаш учун берилди. Векселлар туфайли Қишлоқ хўжалик вазирлиги қисқа муддатда 10 млрд. сўмлик кредитор қарзларидан қутилди.

Векселсиз молиявий аҳволни соғломлаштириш анча қийин бўлар эди.

Тармоқ ва мамлакат миқёсида вексел қўлдан-қўлга тез ўтказилса тўловлар тез изга тушиб, хўжаликларнинг молиявий аҳволи яхшиланиб кетади. Хўжаликнинг банкдаги ҳисобга тушган пул маошни тўлашга ишлатилиб, ойликни ҳам ўз вақтида тўлаш имкони пайдо бўлади. Қисқаси векселлар молиявий аҳволни яхшилашнинг самарали воситаси бўлиб қолиши турган гап.

С. САЛИМОВ, профессор.

Касаба уюшма ҳаёти: бозор иқтисоди ва ижтимоий ҳимоя

Ҳазрат Абу Али ибн Сино айтган эканлар: «Сув кўнгил ғуборидан бошқа нарсани кеткиза олади». Тиббиёт алифбосини яраттан буюк ҳаким ва аллома бунда сувнинг мўъжизакор қудратини назарда тутган бўлса, ажаб эмас. Йўқ, аслида ҳам шундай. Сув — ҳаёт манбаи, тўғрироғи, айни ҳаётнинг ўзгинасидир. Қадим ота-боболаримиз бу бебаҳо неъматни кўзга тўтиё билиб, асрлар давомида унинг мўл-кўллиги ва сероблигини орзу қилишгани тасодифий бўлмаса керак.

Шу жиҳатдан қараганда, Тошкент шаҳар «Сувсоз» («Водоканал») трести бунёдкорларининг фаолияти эътиборга лойиқ. Трест касаба уюшма қўмитасининг раиси Бахтиёр Ҳайитбоев билан қилган суҳбатимиз жамоада амалга оширилаётган ишлар, бозор шароитида ходимларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш омиллари ва тармоқдаги баъзи бир муаммоларга бағишланди.

СУВ КЕЛТИРГАН АЗИЗ

— Кўпинча уйда, кўчада, ишхонада водопровод қувурларидан оқиб турган зилол сувни истеъмол қилиб, чанқовимизни босамизу, бу соҳанинг заҳматкашлари ва ўзига хос ташвишлари ҳақида ўйлаб кўрмаймиз. Гўё худди шундай бўлиши керакдек. Аслида масаланинг моҳияти анча чуқур. Ҳаётимизни бирор дақиқа сувсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, ҳозирги қийинчилик даврида икки миллиондан зиёд аҳолининг бу борадаги талаб-эҳтиёжини қондириш осон кўчмаётган бўлса керак?

— Биласизми, турмушда бирор нарса нон билан сувнинг ўрнини босолмайди. Нон бу — нон, сув бу— сув. Сиз тўғри таъкидладингиз. Чиндан ҳам жамоамиз зиммасига масъулиятли вазифа юклатилган. Яъни биз Тошкент шаҳридан ташқари вилоятнинг баъзи туманларини ҳам обҳаёт билан таъминлашимиз керак. Ишимизнинг қийинлиги ҳам шунда. Истеъмолчиларга бир кеча-кундузда 2 миллион кубметрдан зиёд тоза ичимлик сув етказиб берилмоқда. Шаҳарда яшовчи барча фуқаролар қатори йирик саноат ва қурилиш такшилотлари, корхоналар, муассасалар ҳам хизматимиздан баҳрамандмиз.

Бозор иқтисоди барча соҳада тежамли ва омилкор бўлишни тақозо этмоқда. Товарлар, хизматлар ҳақи кун сайин «сакраб»турган бир даврда халқ манфаати биринчи ўринда туриши лозим. Шундай бўлаяпти ҳам. Масалан, бизда йиллик хизмат ҳақи киши бошига 8 сўм 40 тийинни ташкил этади. Бу ҳозирги нархнавога нисбатан қарийб текин деган сўз. Ваҳоланки, зарур миқдордаги сувни ишлаб чиқариш ва уни жойларга етказиб бериш учун анча кўп маблағ талаб этилади. Бунинг моҳиятини тўғри тушунишимиз лозим.

— Трест фақат об-ҳаёт таъминоти билан шуғулланадими? Ёки..

— Йўқ. Сув ишлаб чиқариш фаолиятимизнинг бир қирраси, холос. Ўзингизга маълум, Тошкент тўла канализациялашган шаҳар. Бу соҳадаги хизматлар ҳам жамоамиз зиммамида. Шаҳар хўжалигидан чиққан оқава сувлар Салор ва Бўзсув станцияларида қайта ишланиб, тозаланган ҳолда ташқарига чиқариб юборилади. Сув ўзатиш шоҳобчалари йил сайин кенгайиб бораяпти. Ҳозирги кунда пойтахтимиз ҳудудида 3435 километр узунликдаги водопровод, 2044 километр масофадаги канализация тармоқлари мавжуд бўлиб, уларнинг бенуқсон ишлашини таъминлаш диққат марказида. Бўзсув, Қодирия, Қибрай каби очиқ ва ёпиқ ҳавзаларда қишинёзин етарли миқдордаги об-ҳаёт заҳиралари сақланади. «Дўстлик» ордени нишондори А. Йўлдошев, В. Богомолов, В. Фоменко, Ё. Қодиров, Д. Казибеков, Ю. Смирнов каби ишчи-хизматчи ва инженер-техник ходимларимиз жамоа олдига қўйилган топшириқларни уддалашда фаоллик кўрсатаяптилар?

— Жуда соз. Энди бевосита ижтимоий ҳимоя масаласига ўтсак. Касабақўм жамоа аъзоларинг манфаати йўлида қандай тадбирларни амалга ошираяпти?

— Барчага аён: ишлаб чиқаришни ривожлантиришда моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг аҳамияти катта. Биз ўз фаолиятимизда ана шу тамойилга қатъий амал қилаяпмиз. Ташкилотимиз рўзғори катта: 4000 га яқин киши шу ердан тирикчилик ўтказади. Улар 28 миллат вакилларидан иборат.

Ҳар бир одам — бир олам. Ёшдир, қариди, ҳаммасининг ўз дарди, ташвиши, кам-кўсти бор. Айниқса, бугунги ўтиш даврида ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик керак. Касабақўм ва унинг фаоллари жойларда қулай иш ҳамда дам олиш шароитлари яратиш, ходимларга кўтаринки кайфият бахш этиш уларнинг мушкулини осонлаштириш йўлида астойдил ҳаракат қилаяптилар. Бу борада трест маъмурияти, шахсан раҳбаримиз Зокир Солиҳўжаев яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда.

Ўз уйинг-ўлан тўшагинг, дейди халқимиз. Ойласидан, турмушидан кўнгли хотиржам кишигина унумли меҳнат қилади, жамоа ташвишларига елкадош бўлади. Шуни назарда тутиб, ўз маблағимиз ҳисобидан турар-жой қурилишини давом эттираяпмиз. 1995 йилда Юнусобод даҳасининг Мингўрик кўчасида 32 хонадондан иборат ғиштин уй фойдаланишга топширилди. Натижада кўплаб сувсозлар ўз яшаш шароитларини яхшилаб олдилар. Сиргали даҳасида ҳам икки қаватли, 8 хонали турар-жой биноси қад кўтармоқда. Ҳадемай бу ерда ҳам ҳовли тўйлари бўлади.

Ишчи-хизматчилар махсус кийим-бош ва зарур анжомлар билан таъминланган. Мавжуд сауналар, ошхоналар улар хизматида. Дам олиш хонлари шинам ва озода бўлиб, телевизор, музлатгич, мебель билан жиҳозланган. Бўзсув станцияси қошидаги 140 ўринли бағчада сувсозларнинг фарзандлари тарбияланмоқда. У трест маблағи ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланади. Ташкилотимизнинг туман бўлимлари қошида боғ-роғлар, экинзорлар барпо этилган. Етиштирилган мева-сабзавотларнинг бир қисми ишчи ошхоналарига тақсимланса, бир қисми жамоа аъзоларига бозор баҳосидан 3-4 баробар арзонроққа сотилади.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси жамоа шартномасида кўзда тутилган. Унинг ижросидан ҳар икки томон — маъмурият ҳам, касабақўм ҳам тўла манфаатдор. Чунки, шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш пировард натижада иш унумдорлигини оширишга, инсон манфаатларига хизмат қилади.

— Сизларда ойлик маошлар анча юқори, деб эшитдик. Шу ҳақда ҳам икки оғиз тўхталсангиз.

— Нима десам экан... Ҳарқалай ёмон эмас. Бизда асосан вақтбай ҳақ тўланади. Ҳозирги кунда ўртача маош 1150 сўмни ташкил этаяпти. Мавжуд нархнавога нисбатан бу кам, албатта. Шунинг учун ички имкониятларимизни қараб чиқиб, 70 фоиздан устама ҳақ тўлашга қарор қилдик. Ишчи-хизматчиларни бозор ҳуруж ларидан ҳимоялашнинг қўшимча омилларини излаяпмиз. Кам таъминланган, ночор оилалар алоҳида ҳисобда. Масалан, бу йилги Наврўз байрамида уларнинг ҳар бирига 800 сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди. Жамоа аъзолари олдига дастурхон ёзилиб, бепул ош тортилди. Ташкилотимизнинг ўз ҳаваскорлик ансамбли бор. Тўю тантаналар унинг иштирокисиз ўтмайди. Қиш олдидан ходимларга 50 килодан картошка, 50 килодан пиёз тарқатишни ният қилганмиз. бунинг учун анчагина сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилмоқда.

Ҳар бир инсоннинг пешонасида яхши-ёмон кунлар бор. Тўй ва маъракага ўтказувчиларга 800 сўмдан пул беришни йўлга қўйганмиз. 181 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари, нафақахўрлар ҳам доимий ғамхўрликдан баҳраманд. Ташкилотда узоқ йиллар хизмат қилиб нафақага чиқаётганларга — агар ишда қолса 500 сўмдан, бутунлай дам олишга кетса 1000 сўмдан моддий ёрдам кўрсатилади.

Ижтимоий ҳимояга оид яна бир характерли мисолни айтай: жамоа сафида беш йил ва ундан ортиқ ишлаган ходим даволанмоқчи бўлса, мароҳмат, биз унга зарур инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга доим тайёрмиз. Яъни бундай пайтларда ташкилот касалхона харажатларини тўлиқ ўз зиммасига олади. Чунки, ишчи ёки хизматчининг сиҳат-саломатлиги биз учун барча нарсадан муҳимроқдир.

— Дарвоқе, саломатлик ҳақида. Йўлланмалар нархи баландлиги сабабли ҳозирги кунда санаторий-профилактарийларда даволаниш учун ҳамманинг ҳам имконияти етмайди. «Сувсоз» тизимида аҳвол қандай?

— Бу масала касабақўм иш йўналишида алоҳида ўрин тутади. Соғ тандасоғлом ақл, дейилиши бежиз эмас. 1994-95 йиллар давомида 71 нафар ишчи-хизматчи, инженер-техник ходимлар республикамизнинг хушманзара шифо масканларида ҳордиқ чиқариб, ўз саломатликларини тикладилар. Муҳим жиҳати шундаки, йўлланмалар заруратга қараб, асосан имтиёзли баҳоларда берилаяпти. Ёш авлод тарбиясини ҳам унутганимиз йўқ.

Юнусобод даҳасида ташкилотимизга қарашли 320 ўринли болалар дам олиш маскани мавжуд. Ҳар йили ёзги мавсумда бу ерда сувсозларнинг 1000 дан зиёд фарзандлари уч босқич бўйича ҳордиқ чиқариб, янги қўқ йилига «уч тўплайдилар. Ота-оналар йўлланма нархининг бир қисмини тўлашади. холос. Қолгани ижтимоий суғурта фонди ҳисобидан қопланади.

Олдимизда қилинадиган ишлар кўп. Касаба уюшма аъзоларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг меҳнатдан манфаатдорлигини ошириш, шу тариқа бекаму кўст яшашларига эришиш эзгу мақсадимиздир.

* * *

Сухбатимизга шу ерда нуқта қўйсак ҳам бўлар эди. Шакарнингози ширин. Аммо трест бошқарувчиси Зокир Солиҳўжаев билан бўлган қисқа мулокотдан сўнг масала биз ўйлагандан чуқурроқ эканини ҳис этдик.

Жамоа рахбарининг тармоқ ишини яхшилашга қаратилган куюнчак фикр-мулоҳазалари газетхонларимизни ҳам қизиқтирса керак, деб ўйлаймиз. Шундай қилиб, сўз навбати Зокир Тўраевичга:

«Сув-табиатнинг бебаҳо инъоми. Ўлкамиз қон томирлари бўлган дарёлар, каналлар, ариқлардан бир кечакундузда қанча кубометр об-ҳаёт оқиб ўтишини биласизми? Серобчилик бўлгани яхши, албатта. Аммо ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди. Шундай экан, об-ҳаётнинг ҳар қатрасидан тежаб-тергаб фойдаланишимиз лозим. Гоҳо шаҳар кўчаларида, маҳаллаларда водопровод жўмракларидан бехуда оқиб ётган сувни кўриб, юрагим туздек ачишади. Халқ бойлигини исроф қилиш бориб турган жиноят-ку, ахир! Биз назоратни кучайтириб, зарур чораларни кўраяпмиз, аммо барибир кучимиз етмаяпти. Бу ишда жамоатчиликнинг амалий ёрдами ва фаол иштироки зарур, деб ўйлайман.

Яна бир гап. Аксарият кўп қаватли уйларнинг тепа қисмига сув чиқмаслиги, босимнинг пастлиги ҳақида эътирозларни эшитишга тўғри келади. Инкор этмаймиз. Шундай ҳоллар мавжуд. Бунинг муайян сабаблари бор. Ҳозир бизда энг арзони ' сув. Ўзингиз ўйланг: бир шиша минерал сув 2 сўм 40 тийин. 1 кубметр (1000 литр) водопровод суви эса 6 тийин! Республика раҳбарияти ва ҳукуматимизга раҳмат. Иқтисодий соҳадаги қийинчиликларни ҳисобга олиб, сув нархини бир меъёрда сақлаб турибдилар. Айрим шахслар бу ҳиммат ва инсонпарварликнинг қадрига етишмаяпти. Боғ ва томорқаларни тунги соат 10 дан кейин суғоришга рухсат этилган. Амалда эса бунинг акси бўлаяпти.

Яқинда биз шаҳар туманларидаги вазиятни ўрганиб чиқдик. Очиғи, сувдан фойдаланиш мутлақо қониқарсиз аҳволда. Акмал Икромов туманида 546 та маҳалла бор. Шундан атиги 22 тасида ариқ оқади. Қолган кўчалардаги аҳоли асосан водопровод сувини ишлатади. Юнусобод, Шайхонтоҳур туманларида ҳам манзара шундай.

Бозор иқтисоди аниқ ҳисоб-китобни хуш кўради. Бизнинг соҳада ҳам бу ишни жорий этиш вакти келди, деб ўйлайман. Сувга аралаштириладиган хлор, аччиқтош ҳозирча республикамизда йўқ. Бу маҳсулотларни валюта эвазига Россия ва Қозоғистондан олиб келамиз. Бир кунда 3-4 тонна аччиқтош, 4-5 тонна хлор сарфланади. Егингарчилик кунларида бундан ҳам кўпроқ. Таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун турли ҳажмдаги қувурлар етишмайди. Шунга қарамай биз аҳоли эҳтиёжини ўйлаб, сув таъминотини яхшилашга ҳаракат қилаяпмиз.

Ушбу мулоҳазаларни айтишдан мақсад, хизматимизни писанда қилиш эмас. Сув юртимизнинг бебаҳо бойлиги экан, уни исроф қилмай, расамади билан ишлатиш инсоний бурчимизга айланиши лозим. Ана шунда иқтисодиётимиз янада мустаҳкамланади, турли эътирозларга ўрин қолмайди».

Носир ТОШЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Суҳбатдош ҳақида мухтасар маълумот:



Тошкент Политехника институтини битирган. Касби муҳандис-механик. 13 йилдан бери мазкур ташкилотда ишлайди. Комсомол қўмитаси котиби, трест автобазаси директори, бошқарма бошлиғи ўринбосари вазифаларида хизмат қилган. Оилали, икки фарзанди бор. Турмуш ўртоғи маориф соҳасида ишлайди.

АЗИЗ КАСАБА УЮШМА ФАОЛЛАРИ! МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОНЛАР!

Севимли газетангизга 1996 йил учун обуна бўлишга улгурдингизми? Бўлмаса — шошилинг! Вақт ғанимат. Чунки, бозор иқтисодиети шароитида газетани чақана савдога чиқариш имкониятлари ҳам чекланган. Обуначиларимиз эса, йил давомида газетани ҳафтасига икки мартадан мунтазам олиб туришларига тўлиқ кафолат берамиз. Унинг навбатдаги сонларини қидириб, бесарамжонликка ҳожат қолмайди.

Азиз дўстлар, касаба уюшма фаоллари! Сизларга шуни эслатиб қўйишни истардикки, «Ишонч» 1996 йилда кўп миллионли ташкилот аъзоларининг, касаба уюшма ҳаракати ташкилотчилари, етакчилари, умуман, фаолларининг ишончини оқлайди, сизларнинг энг яқин ҳамкорингиз, кумакчингиз бўлиб қолади. Меҳнаткашлар, улар оила аъзоларининг ижтимоий, иқтисодий, маънавий, ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда фаол иштирок этиб, жамиятимиз яклиллиги ва равнақига муносиб ҳисса қўшиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифамиз бўлиб қолади.

Газетамизда шакилланган ва азиз газетхонларимизга ёқиб қолган рукнлар ва йўналишларимизни янада изчил ва таъсирчан давом эттиришга, сизларни мамнун этадиган, ҳар жиҳатдан фойдали ва қизиқарли туркумларни эътиборингизга ҳавола этишга бутун ижодий куч-имкониятларимизни сафарбар этамиз. Мамлакатимизнинг шаҳдам одимларига ҳалақит бераётган тусиқлар, камчиликларни дадил кутариб чиқиб, муаммоларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиб берувчи, муваффақиятларимизни мустаҳкамлаш ва ривож топтиришга қаратилган мақолалар, турли рукн ва туркумларни мунтазам ёритиб боришга ҳаракат қиламиз.

«Бидлан сўрабсиз», «Одамийлик сабоқлари», «Машриқзамин дарғалари» каби рукнларимиз билан бир қаторда жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган, мустақил Узбекистонимиз келажагини яратаётган давримиз қаҳрамонлари билан сизларни таништириб борувчи, халқимизнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган турли материаллар, инсоннинг қалбини ростлаб, қалбини ошираётган янги-янги рукнлар, мақола, ҳикоя, лавҳалар 1996 йилда

Президент фармонлари амалда

РАҲБАР ТАДБИРКОР БЎЛСА...

— 82 тонна қувурни Новокузнецк шаҳридан олиб келишга қанча маблағ сарфланди?, — деб сўрайман «Туркистон» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Жўрақул Отақуловдан.

— Етти минг сўмга тушди, — дейди у кулиб.

Қувур таннархини эшитиб, бир зум ҳаёлга чўмаман. Раиснинг сўзи ҳақми ёки ҳазиллашяптими. Мени ишонқирамаганлигими сезган раис чўнтагидан митти калкулятор олиб рақамларни кўпайтира бошлади.

— Хўжаликда етиштирилган, пулга чаққанда етти минг сўмлик пиёзни Новокузнецк шаҳридаги металлургия комбинатига юбордик. Эвазига қучаларга тортилган, хонадонларни иситиш учун ўрнатилган қувурларни олиб келдик. Маҳсулот айирбошламаганимизда бозор иқтисоди шароитида бир йилда 8 километрлик масофага етадиган қувурларни сотиб ололмасдик. Бунга ҳар қандай хўжаликнинг ҳам қурби келавермайди, — деди у жиддийлашиб. Орага сукунат чўкди. Бироздан сўнг у хўжаликларга берилган эркинлик — маҳсулотларни айирбошлаш имкониятидан кўпгина раҳбарлар фойдаланмаётганлиги, қишлоқни газлаштириш арзонга тушаётганлиги, олдиндаги вазифалар ҳақида ўзига хос вазминлик билан гапира бошлади.

Жўрақул «Туркистон» жамоа хўжалиги бошқаруви раислигига сайланган кундан бошлаб, ободончиликка алоқадор бўлган юмушлар билан шуғуллана бошлади. Қишлоқларни газлаштириш лойиҳасини такомиллаштириб тежамкорлик асосида лойиҳага ўзгаришлар киритди. Ишбилармонларни Россия шаҳарларига юбориб, металлургия заводлари билан шартномалар тузилишига эришди. Сомон эвазига Оҳангарондаги саноат корхоналаридан тўртта газ тақсимлагич алмаштирилди.

Ўтган йил бошида Зоминовул, Новкент қишлоқларидаги маҳалаларга қуча бўйлаб қувурлар тортила бошланди. Бундан айниқса, Зоминовул аҳли хурсанд бўлди. Қишлоқ ёнидан Олимкент-Бўка газ қувури олиб ўтилганига 10 йил бўлганди. Ўшанда эзгу ниятли кишилар қишлоқ учун газ тақсимлагич ўрнатиб қолишганди.

Собиқ раҳбарларнинг турли баҳоналари билан кўчаларга қувур тортиш ўн йил орқага сурилибди.

— Халқнинг сабр-тоқатига балли-е. Билмадим, собиқ «Пскент» давлат хўжалиги иккига бўлиниб, маълумоти бўйича журналист бўлган, ҳар бир масалага иқтисод кўзи билан қарайдиган Жўрақул раис бўлмаганда, халқ яна қанча муддат оқар газсиз ўтирарди, — дейди биз билан суҳбатда Новкент маҳаяла қўмитасининг раиси, пенсионер Ғаниқул Усмонов.

–Май ойининг ўрталарида Зоминовулда тўй бўлди, — дея суҳбатга қўшилади хўжаликдаги фермерлар уюшмасининг раиси Абдуҳамид Бекжўраев. Бу белгиланган жойга машъала, хонадонларда газ ёқиш маросимига бағишланган тўй эди. Жўрақул тўйга туман ҳавасқорларини, олис Зоминдан меҳмонларни таклиф қилди. Шу куни барча хурсанд эди. Айниқса хотин-қизлар ўтин, кўмир ёқиш ташвишидан қутилганларини яширолмай рақсга тушишарди. Тантанада туман ҳокими Абдумутал Шерматов қатнашди. Кўпчилик газ ёқишга раисни таклиф қилишди.

У эса машъалани қариялар қўлига тутқазди. Тўйда сўз олганлар Жўрақул номига кўпдан-кўп раҳматлар айтдилар.

Шу куни Зоминовул қишлогининг 70 хонадонида «зангори олов» ёна бошлади. Бу «Туркистон» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Жўрақул Отақулов режалаштирган, халқ олдида берган ваъдасини бажариш учун қилган ҳаракатининг дастлабки самараси эди. Мустақилликнинг уч йиллиги нишонланадиган кунда Новкент қишлогида оқар газ ёнишига бағишланган тўй қайтарилди. Шу куни уч километр масофага тортилган қувур ёнидаги 110 хонадон эгаларининг қалби қувончга тўлди. Жамбул номли ўрта мактаб учун қурилаётган биноларнинг 324 ўринли корпуси фойдаланишга топширилиши тантанага уланиб кетди. Қўй сўйилиб, халққа ош тортилди. Маҳамадқул Айтбоев раҳбарлигидаги ўқитувчи ва ўқувчилар пахса деворли, эски мактабдан ёруғ, кўркам бинога кўчиб ўтдилар.

Йил охиригача мухандис Ҳабибулло Тўйчиев етакчилигидаги мутахассислар яна 130 хонадонда табиий газ ёнишини таъминладилар. Уларнинг гайрат-шижоат билан йил давомида 8 километр масофага қувур тортилиб, 300 хонадонга табиий газ киритилди.

Шу ўринда бундан беш йил олдин бўлиб ўтган бир воқеа ёдимга тушди. Ўшанда Бўка туман партия қўмитасининг мажлислар залида собиқ иттифоқ олий мажлиси халқ депутатлигига номзод билан учрашув бўлаётганди. Тошкент политехника институтининг Олмалиқ шаҳридаги бўлими ўқитувчиси, фалсафа фанлари номзоди Абдулаҳад Эшбоев сайлов округидаги Пскент, Бўка туманидаги қишлоқларни газлаштириш ҳақида депутатликка номзод собиқ КПСС МК ҳуқуқ бўлимининг мудири Александр Сергеевич Павлов фикрини билмоқчи бўлиб савол берганди. Ўшанда сайловчиларнинг 400 нафар вакили қатнашаётган мажлисда ўртага ташланган муаммога москвалик номзод эмас, нима учундир Тошкент вилояти обкомининг собиқ секретари Риннат Попов минбарга чиқиб:

— Бу йил вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида 2 километр масофага қувур тортилиб, газлаштиришга рухсат берилган. Бу қувурларнинг қанча қисми сизлар яшаётган саноат ривожланмаган ҳудудга тўғри келишини ўзларинг ўйлаб кўринглар,—деб мужмал жавоб берганди. Обком секретарининг сўзидан Абдулаҳад акагина эмас, барча мажлис қатнашчилари қониқмаганди.

«Сўздан амалий ишга ўтиш ҳақида қўрсатма берилади-ю, тармоқдаги режалаштириш оқибатида бошлаган ишингни ҳам давом эттиролмай хуноб бўласан», — деганди ёнимда ўтирган Пскент тумани ижроия қўмитасининг собиқ раиси Жўрақул Отақулов ўз фикрини баён этиб. Йиғилиш бўлаётганлиги боис унинг гапини кўпчилик қатори мен ҳам жавобсиз қолдиргандим. Ўша пайтда, Жўрақулнинг гапини маъқулламаганимга ҳали-ҳали ачинаман. Ўша вақтда Жўрақул мутахассисларни тўплаб, қишлоқларни газлаштириш лойиҳасини тайёрлаётганлигини кейинчалик билдим.

Ҳозир Жўрақул раҳбарлик қилаётган «Туркистон» жамоа хўжалигида бир йилда 8 километр масофага қувур тортилишида унинг ўша вақтдаги тажрибаси асқотганди. Мустақиллик туфайли она ер қаъридаги табиий газдан кенг халқ оммасининг фойдаланишига имкон берилиб, турли чеклашлар олиб ташланганди. Тадбиркор раис эса республикамиз Президенти И. Каримов хўжаликларга берган барча имтиёзлардан мақсадга мувофиқ фойдаланганди.

Утган йил «Туркистон» жамоа хўжалиги аъзолари учун чиндан ҳам қувончли бўлди. 975 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 27,1 центнердан ҳосил олиниб, йиллик режа ортиги билан уддаланди. Зафар қучилган куни вилоят деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмита раиси Камолжон Шодиметов, туман ҳокими Абдумутал Шерматовлар жамоа хўжалиги деҳқонларини табриклашди. Беш нафар бригада бошлиги ва механизаторларга сиҳатгоҳда дам олиш учун текин йўлланма берилди.

Йил якунига кўра 270 тоннадан зиёдроқ тола хўжалик ихтиёрида қолди. Бу толанинг бир қисмига мавоза усули қўлланиб қувур олиш тараддуди кўрилмоқда. Ҳосилни етиштириш жараёнида жамоа хўжалиги аъзоларига 2 миллион сўм иш ҳақи берилганди. Пахтакорлар иш ҳақининг ҳар бир сўмига 2 сўмдан мукофот пули олдилар, уларга 4 миллион сўм пул устама иш ҳақи қилиб тарқатилди. Хўжаликда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш йўлга қўйилди. Улар «оқ олтин» хирмонини бунёд этишда қатнашишига қараб камёб маҳсулотлар билан таъминландилар. Уларга бир қоп ун, уч-беш килограммдан шакар текинга берилди. Хўжалик ҳудудида яшовчи ҳар бир оила арзон нархда бир қоп ун, беш килограммдан ёғ олди. Таъзияли оилалар хўжалик ҳисобидан ун, гуруч, ёғ билан таъминланмоқдалар.

Кўпгина хўжаликларнинг раҳбарлари ўтган йилнинг куз ойларидаги, айримлари ундан ҳам олдинги иш ҳақларини беришолмай турган вақтда «Туркистон»дагилар маошларини ўз вақтида олишаяпти. Бу билан ҳар ишда уддабурро раис Жўрақул Отақулов раҳбар кенг фикрли бўлса, иш ҳақи топишда муаммо бўлмаслигини амалда исботлади.

Ҳа, Пскент туманининг «Туркистон» жамоа хўжалигида Президентимиз И. Каримовнинг қишлоқларни газлаштириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги ва бошқа фармонлари бажарилишига эришилмоқда. Халқ талаби бажарилиб, улар учун зарур бўлган барча шароитлар яратилмоқда. Бажарилиши режалаштириб қўйилган ҳар бир юмуш, муаммолар ҳал бўлишида уддабурро раис Жўрақул Отақуловнинг Россиядаги металлургия комбинатлари ва бошқа тармоқлардаги раҳбарлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатаолганлиги қўл келмоқда.

Жамоа хўжалиги қишлоқлари обод, аҳоли фаровон яшамоқда. Шунинг учун хўжалик аъзоларининг иши самарали бўлиб, барча тармоқлардаги режалар уддаланишига эришилмоқда.

Саидазим ШАРОФХОНОВ.

БИЗДАН СЎРАБСИЗ

Саволларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ҳуқуқ инспектори Надежда Ефимова жавоб беради.

Олий ўқув юртини тугатгандан сўнг 21 йил мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган, ногирон фарзанди бўлган аёлга нафақа неча ёшдан бошлаб тайинланади?

Г.Ҳаитова, Самарқанд шаҳри.

Узбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунига биноан болаликдан ногирон бўлган фарзанди бўлиб, уларни 8 ёшгача тарбия қилган оналар 50 ёшга тўлганларида 15 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажи билан пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

Пенсия тайинлашда меҳнат стажига ишдан ташқари қуйидаги даврлар ҳам киради:

16 ёшгача бўлган ногирон болага қараганлик даври;

— Онанинг 3 ёшгача бўлган болаларга қараган даври:

— Олий ўқув юртининг кундузги бўлимидаги ўқиш йиллари.

Пенсия миқдори иш стажининг давомийлигига боғлиқ.

Амалдаги қонунларга биноан ходимнинг меҳнат дафтарчасига одатдагидек фақат меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ёзилади. 16 ёшгача бўлган ногирон болага қараб турган даври меҳнат дафтарчасига киритилмайди. Бу давр пенсия тайинлашда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилганда, меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади:

Боланинг ногиронлигини тасдиқловчи ҳамда ёши кўрсатилган тиббий ҳужжат.

Бўлардан келиб чиққан ҳолда сизга 50 ёшга тўлганингиздан сўнг ногирон боланинг онаси сифатида пенсия тайинланиши мумкин.

Мен Ватан Уруши қатнашчисиман. Ёшим 80 да. Телефон хизматига ҳақ тўланишида имтиёзлардан фойдаланишим мумкинми?

А.СУХОВИЛОВ, Сирдарё вилояти.

Йўқ, фойдалана олмайсиз. Телефон ҳизмати учун ҳақларни тўлашда, Ватан уруши қатнашчиларига имтиёзлар назарда тутилмаган.

Мен мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишлар эдим. 1995 йилдан буён болалар оромгоҳида директор лавозимида ишламоқдаман. Имтиёзли пенсияга чиқишим мумкинми?

—Маориф соҳасининг ҳизматчиларига ўз соҳаси бўйича 25 йиллик меҳнат стажига-эга бўлсагина пенсия тайинланади. Бундай ҳолларда фақат тўлиқ ставка ҳажмидаги иш ҳисобга олинади.

Мен қурилишда уста-прораб бўлиб 15 йил ишладим. Имтиёзли пенсияга чиқишим мумкинми?

А.НАСУЛЛАЕВ, Бухоро вилояти.

Қурилиш ва монтаж ишларида меҳнат қиладиган уста-прорабларнинг имтиёзли пенсия тайинланишидаги қонуннинг XXVIII бўлими 3-рўйҳатига биноан эркакларга 55 ёшида умумий иш стажи 25 йил бўлганда ва шундан 12 йилу 6 ой уста-прораб лавозимида ишлаган бўлса, имтиёзли пенсия тайинланади.

Ёшим 46 да. Жамоа хўжалигида 1973 йилдан буён аккумляторчи вазифасида ишлайман. Имтиёзли пенсияга чиқишим мумкинми?

Э.РАШИДОВ, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани.

«Умумий касб»ларга тааллуқли қонуннинг XXXIV бўлимидаги 3 -рўйҳатида кўрсатилишича, эркаклар 55 ёшларида умумий меҳнат стажи 25 йил бўлса, шундан 12 йилу 6 ойи мазкур вазифада ишлаганлиги қайд этилган бўлса, имтиёзли пенсияга чиқиши мумкин. Сиз ҳам 55 ёшга етганингизда умумий меҳнат стажингиз 25 йил бўлса, шундан бажараётган вазифангиз юзасидан 12 йилу 6 ой стажга эга бўлсангиз, имтиёзли пенсияга чиқишингиз мумкин.

Мен Ватан уруши қатнашчисиман, 1-гуруҳ ногирониман. Пенсияга неча фоиз қўшимча қўшилиши мумкин?

Б.ЭЛМОНОВ, Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани.

Ватан урушининг 1-гуруҳ ногирони бўлган тақдирда пенсияга 150 фоиз энг кам иш ҳақи миқдорида қўшимча қўшиш мумкин.

Бошқа 1-гуруҳ ногиронларига эса энг кам иш ҳақининг 75 фоизи миқдорида пенсияларига қўшимча қўшилади. Ожизлик бўйича 1-гуруҳ ногиронларига энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида қўшимча қўшилади. Уруш қатнашчиларининг пенсияларига энг кам иш ҳақининг 50 фоизи даражасида қўшимча қўшилади.

Ўқитувчининг касаллик давридаги дарс соатларини ҳеч ким ўтмаган бўлса қонунга асосан касаллик варақаси учун қай тарзда ҳақ тўланиши керак?

М.Ҳолиқова, Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Исобек кўчаси, 63-уй.

Бундай ҳолда касаллик варақасига 14.02.1994 йилда тасдиқланган давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги кўзда тутилган ҳолатларга асосланиб умумий тартибда ҳақ тўланади.

Ўқитувчи касал бўлганлиги сабабли дарс ўтолмаган даврида ушбу фан бўйича машғулотлар ўтказилмаган бўлса, у ўқув дастурини қўшимча дарслар ўтиш йўли билан ёки мактаб раҳбариятининг розилиги билан ўқув дастурини қисқартириш орқали тўлатиши мумкин.

Кейинги саволга Республика соғлиқни сақлаш касаба уюшмаси қўмитаси референти Ф.Расулова жавоб беради.

Ёшим 56 да. 33 йилдан буён дорихона мудири бўлиб ишлайман. Имтиёзли пенсияга чиқишим мумкинми?

А.Пўлатов, Андижон вилояти.

Йўқ. Дорихона мудирлари учун имтиёзли пенсия тайинланмайди. Республика Меҳнат ва Ижтимоий таъминот вазирликларнинг 1994 йил 28 июндаги № 6/21, 05-1043 — сонли қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг 12 май 1994 йилдаги 250 қарори асосида имтиёзли пенсия тайинлаш масалалари кўриб чиқилган.

Мазкур қарорда дори тайёрлаш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган мутахассисларгина имтиёзли пенсияга чиқишлари мумкин.

АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 660 ЙИЛЛИГИГА

Соҳибқирон Амир Темур туғилиб ўсган Қашқадарё вилоятида буюк лашкарбошининг 660 йиллик юбилейига тайёргарлик кетмоқда. Жумладан, Қарши илмий-таъмирлаш участкаси таъмирчилари қадимий ёдгорликларни қайтадан тиклаш борасида мақтовга лойиқ юмушларни амалга оширяптилар.

Ҳозирда улар «Кукгумбаз» жоме масжидини, қадимий ер ости ҳаммомини, «Қиличбой» мадрасасини, Қашқадарё устидан ўтган эски кўприкни, шунингдек, Қарши туманидаги «Чоргумбаз» ва Касби туманидаги «Номозгоҳ» масжидларини, Косон туманидаги «Ҳусамота» мажмуи каби бир қанча меъморчилик ёдгорликларини таъмирдан чиқараяптилар. Йил охиригача булардан бир нечтасида таъмирлаш ишларини ниҳоялаш кузда тутилмоқда.

Юқорида айтиб ўтилган ёдгорликларни таъмирлашда қаршиликлар билан бир қаторда уларнинг хоразмлик ҳамкасблари ҳам иштирок этяптилар.

Кейинги тўққиз ой мобайнида таъмирловчилар 11 миллион 200 минг сўмлик тиклаш ишларини бажардилар. Бу эса кузда тутилганидан 2 миллион 100 минг сўмлик кўп демакдир.

Суратда: хоразмлик ака-ука усталар Ойбек ва Камолбек Жабборовлар иш устида.

Ш.ШАРОПОВ олган сурат.

Танқидий чиқишларимиз изидан

«ПУЛ АЙЛАНИШИДАГИ ОЧИҚ, АММО АЧЧИҚ ГАПЛАР»

Мазкур мақола юзасидан Зарбдор тумани ҳокими И.Умурзоқов ва Ғаллаорол тумани ҳокими ўринбосари А.Абдуллаевларнинг жавоб хати билан газетамизнинг ўтган сонларида танишгандингиз. Жиззах вилояти ҳокими А.Тошкенбоев имзоси билан ҳам жавоб хати олдик:

«Ишонч» газетасининг шу йил 6 октябрь кунги сонида вилоятимиз ҳудудларида нақд пул айланиши билан боғлиқ «Пул айланишидаги очиқ, аммо аччиқ гаплар» сарлавҳали мақолада кўрсатилган камчилик, хато ва муаммолар 1995 йил 19 октябрь куни вилоят тижорат банклари, молия, солиқ бошқармалари бошлиқлари, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг иқтисод бўйича ўринбосарлари, корхоналар раҳбар ва бош ҳисобчилари иштирокида вилоят пул-кредит сиёсати комиссияси йиғилишида муҳокама қилинди.

Хазина интизомига риоя қилмаган корхоналар, муассасалар раҳбар ва бош ҳисобчиларига нисбатан ўз мансаб лавозимидан озод қилиш, тегишли материалларни амалдаги қонунлар асосида кўриб чиқиш учун прокуратурага топширишгача бўлган чоралар кўрилди.

Шаҳар ва туманларда барча тижорат банклари қошида аҳолининг қўлидаги нақд пуллар (сўм)ни эркин муомаладаги валютага (ЭМВ) алмаштириб бериш шаҳобчаларини очиш, ишлашни ташкил қилиш ва ЭМВ ни олиш ҳуқуқини берувчи патентчилар сонларини кўпайтириш, савдо ва маиший соҳаларда назорат касса аппаратларининг тўлиқ ишлашини таъминлаш, савдо пештахталарини халқ истеъмол моллари билан тўлдиришлар ҳисобига нақд пул тушумини кўпайтирган ҳолда аҳолининг пенсия, стипендия ва иш ҳақларини вақтида беришни таъминлаш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Ушбу чора-тадбирларнинг бажарилиши вилоят ҳокимлигининг доимий назоратига олинган.

А. ТОШКЕНБОЕВ, Жиззах вилояти ҳокими».

Касаба уюшмаларида

СОҒЛИҚНИ сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят қўмитасининг VI пленуми бўлиб ўтди. Унда тармоқда амалга оширилган ишлар муҳокама қилиниб, галдаги вазифалар белгилаб олинди. Шунингдек пленумда ташкилий масала кўрилди. Қарши шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси вазифасида ишлаб келаётган Саодат Рустамова тармоқ касаба уюшмаси қўмитасининг раиси этиб сайланди.

Пленум ишида вилоят ҳокимининг муовини Қучқор Туйчиев, касаба уюшмалари вилоят кенгашининг раиси Исом Ражабов иштирок этдилар.

М. КЕНГБОЕВ.

***

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг маориф ходимларини ижтимоий ҳимоялашга оид фармонларига мувофиқ ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида шаҳар ҳалқ маорифи ходимларини моддий рағбатлантириш, уларнинг самарали меҳнат қилишлари учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Фарғона шаҳар касаба уюшмалари кенгаши ва шаҳар ҳалқ таълими бўлими ҳамда 9-автокорхона томонидан шаҳар маорифчиларининг йўл транспортида бепул юришлари жорий этилди.

Шу йил 1 ноябрдан бошлаб 1000 кишига 9-автокорхона томонидан ойлик имтиёзли йўл чипталари берилди.

Уларга яратилган бундай имтиёзлар маорифчилар ғоят хурсандликлари маъносида миннатдорчилик изҳор этдилар.

С. МАҲМУДОВА, «Ишонч» мухбири.

***

ДАЛАЧИЛИК саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят қўмитаси пахта йиғим-терими да юқори натижаларга эришган бир қатор хўжаликларни телевизор билан мукофотлади.

Урта Чирчиқ туманидаги Охунбобоев номли, Пскент туманидаги Дустбеков номли, «Туркистон» жамоа хўжаликлари шундай мукофотга эга бўлдилар. Шунингдек илғор бригадаларга радиоприёмниклар совға қилинди. Пахта йиғим-терим мавсумида 1700 кишига парҳез таомлар билан овқатланишга йўлланмалар ажратилди.

Шу билан биргаликда илғорлардан 45 киши санаторийларда даволаниш учун бепул йўлланмалар олдилар.

Б. ПЎЛАТОВ.

Обуна-96

«ИШОНЧ»ГА ИШОНЧ БОҒЛАБ

Андижон вилояти бўйлаб «Ишонч» газетаси учун 1996 йилга обуна қизғин давом этмоқда. Бўз тумани халқ таълими касаба уюшмасининг раиси Каримжон Зокиров, Пахтаобод тумани халқ таълими касаба уюшмасининг раиси Жумақўзи Қосимов, Избоскан тумани халқ таълими касаба уюшмасининг раиси Сайдулло Бегалиевлар «Ишонч» газетасининг салмоғи ва обрўйи ҳақида гапириб, Андижон вилоятида бу газета республиканинг асосий газеталари қаторида ўз ўқувчисига эга эканлигини таъкидладилар. Улар юқорида тилга олинган туманларнинг халқ таълими бўлимлари бюджетидан ажратилган маблағга обуна ўтказдилар. Энди бу газета 1996 йилда 15Одан ортиқ жойларга кириб боради.

Олтинкўл тумани халқ таълими касаба уюшмаси раиси Донохон Аҳмедова ҳам «Ишонч» газетасига аҳоли ўртасида эътибор ниҳоятда катта эканлигини билдириб,касаба уюшмасининг ёрдами туфайли обуначилар сони кундан кунга кўпаяётганини айтди.

«Ишонч» газетасига обуна ўтказилишида туман халқ таълими бўлимлари мудирлари айниқса жонбозлик кўрсатмоқдалар.

«Ишонч» мухбири.

Ассалому алайкум «Ишонч» газетасининг таҳририят ходимлари!

«Ишонч» газетаси ўзининг обрў-эътибори, ўқимишлилиги билан ўқувчиларнинг ҳамфикр йўлдошига айланиб бораётир. Бу йўлда ижодий жамоага раҳматлар бўлсин.

Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани Ю.Гагарин номли жамоа ширкат хўжалиги, Гулистон қишлоғи аҳолисининг «Ишонч»га ихлоси баланд бўлганлигидан кўпчилик бўлиб газетанинг 1996 йилги нашрига ёзилди. Умидворсиз-ки, бундан кейин ҳам ранг-баранг мақола, хабарлар ва бадиий ижодларнинг нодир намуналари билан бизни хушнуд ва баҳраманд этасизлар.

Гулистон қишлоғи аҳолиси номидан Турсунбой БОЙМИРОВ.

Азиз «Ишонч» газетаси ижодкорлари!

Газетанинг 43-сонида Санъат Маҳмудованинг М.Й.Исломов билан қилган «Фарғона пахтаси» суҳбат - мақолаларини ўқиб ўз ташаккуримни йўлламоқчиман. Бизнинг Данғара туманимизда «Ишонч»нинг мухлислари кўп. Ҳар бир сонини интизорлик билан кутиб ўқиймиз. Туманимизда 1996 йилга обуна қизғин давом этмоқда,

«Ишонч» газетаси саҳифаларида шеърлар ҳамда қишлоқларимиз ҳаётидан лавҳалар кўпроқ бериб турилса деб,

Салом билан АҲМАДЖОН ФОЗИЛОВ.

ОБУНА БАҲОСИ

Республика вилоятларида ва Қорақалпоғистонда:

Якка тартибдаги обуналар учун:

«Ишонч»га — 468 сўм,

«Ишонч-Доверие»га — 53 сўм 40 т.

Корхона ва ташкилотлар учун йиллик идоравий обуна:

«Ишонч»га — 685 сўм 20 тийин,

«Ишонч-Доверие»га — 78 сўм 60 тийин,

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

Якка тартибдаги обуначилар учун:

«Ишонч»га — 336 сўм,

«Ишонч-Доверие»га — 36 сўм,

Якка тартибдаги обуначилар обунани абонент қутиларига расмийлаштирган ҳолларда:

«Ишонч»га — 264 сўм,

«Ишонч-Доверие»га — 24 сўм.

Корхона ва ташкилотлар учун йиллик идоравий обуна:

«Ишонч»га — 685 сўм,

«Ишонч-Доверие»га — 79 сўм.

Корхона ва ташкилотлар обунани абонент қутиларига расмийлаштирган ҳолларда:

«Ишонч»га — 576 сўм.

«Ишонч-Доверие»га 72 сўм.

Транспорт ва бошқа харажатлар камлиги туфайли Тошкент шаҳарида обуна баҳоси бирмунча паст белгиланган.

ИЗЛАНГАНГА ИМКОН КЎП

Бекатларда, айниқса туманлараро қатнайдиган автобус бекатларида аввалгидек асаби таранглашган, ҳадеб соатига қараб хуноб бўлаётган йўловчиларни эмас, балки белгиланган режимда хизмат қилаётган автобусларни учратиш Андижондаги оддий ҳолга айланиб қолди. Йўловчилар хурсанд, манзилига осон етаётган экан, демак, «Андижонтранс» давлат акционерлик бирлашмасидаги узгаришлар ҳам шунга яраша бўлаётгани аниқ.

1995 йилнинг ўн ойлик якунлари бўйича жамоада юк ва йўловчи ташиш режалари 102,2 — 103 фоизга бажарилди.

Йўловчиларга 280 млн. сўмлик хизмат кўрсатилди.

Бугунги кунда изланмаган, даромад топиш учун ҳаракат қилмаган ташкилот ёки раҳбар ўз ишчи-хизматчилари олдида обрусизланиши турган гап. «Андижонтранс» бирлашмаси ҳам пуллик хизмат кўрсатиш, шунингдек халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, яхшигина сармоя топа бошлади. Ҳарқалай 30 турдаги маҳсулот тайёрлашнинг ўзи бўлаётгани йўқ. Ислоҳотлар изчил давом эттирилаяпти. 27- автобус саройи, 4, 84, 95-автокорхоналар, 2508, 2511-автожамламалар фаолиятида ҳам жиддий силжишлар кузга ташланаётгани қувончли ҳолдир.

Ҳар қандай орзу-ҳавас, ҳиммат ва оқибат аввало даромад чуғи билан белгиланади. Бирлашма касаба уюшмасидан дам олиш уйлари, санаторий ва саломатлик масканларига, болалар оромгоҳларига йўлланма сураган ишчи ёки хизматчи ариза ёзади, холос. Йўлланмалар мутлақо бепул. Ҳайдовчиларнинг ўртача маоши 1280 сўмга етди. Илғорларнинг 2000—3000 сўмни ташкил этаётир.

Тез-тез гўшт, ун, гуруч маҳсулотларининг текин ёки арзон нархларда берилиши ҳам кўпчиликни қувонтираяпти. Яна бир хайрли иш шуки, шаҳар транспортида ишлаган ҳайдовчилар имтиёзли, яъни 5 йил аввал нафақага чиқишлари мумкин. Ғамхўрлик ва эътибор кучайтирилаётганлиги туфайли тармоқда ютуқлар салмоғи кўпайиб, корхонанинг иқтисодий қуввати ошмоқда. Яқинда 20 та ВАЗ автобуслари сотиб олинди. Демак, хизмат даражаси янада яхшиланади.

Автотранспорт ва йўл қурилиши ходимлари вилоят касаба уюшма қўмитаси билан «Андижонтранс» маъмурияти ўртасида тузилган битим жамоа аъзоларини ижтимоий ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этяпти. Тадбирларнинг ижроси таъминланаётганлиги ҳар икки томонга ҳам наф келтираяпти. Ҳаракатда — баракат, деганлари шу бўлса керак.

З. РЎЗИЕВА, «Ишонч» мухбири.

-Бозор зўрми дейман, тўлиб-тошиб қайтибсиз?

-Зўр бўлганда қандай, астойдил қидирсанг шаҳримиз бозорида анқонинг уруғи ҳам топилади.

-Йўғ-е, кўпам ошираверманг...

-Бормаганимга бир ойча бўлувди, дарвозасини кўриб кўзларимга ишонмай қолдим. Ичкаридаги расталар, улардаги маҳсулотларнинг сон-саноғи йўқ.

(Қўшнилар суҳбатидан).

Навоий бозори кенгаймоқда

Аҳоли сонининг ошиши Навоий шаҳридаги деҳқон бозорини тамоман қайта қуришни ва кенгайтиришни таҳозо этди. Шу мақсадда қурилиш-лойиҳа ҳужжатлари тайёрланиб, таъмирлаш режалари ишлаб чиқилди. Ана шундай бир пайтда бозор «бозор» билан рўбарў келиб қолди. Ҳар ким «арава»сини ўзи судрайдиган бўлди. Эндигина ишга киришилганда шаҳар марказий бозорининг «арава»си оғирлик қилиб, бу ердаги қурилишлар тақа-тақ тўхтаб қолди. Бозорнинг баракаси учди. Бу ердаги доимий «мезбон»у меҳмонларнинг кўпчилиги шаҳардаги бозорчаларга, қўшни Кармана шаҳридаги деҳқон бозорига тарқалиб кетди.

Вилоят ва шаҳар ҳокимияти, вилоят савдо-харид уюшмаси ва бозор маъмурияти кўп сонли аҳоли талабини инобатга олиб, астойдил ишга киришдилар. Бозор қурилиши Навоий шаҳар қурилиш бошқармаси зиммасига юклатилди. Унинг лойиҳаси замонавий ва миллий меъморчилик анъаналари асосида қайтадан қуриб чиқилди.

Қурилиши ўн йил судралган бозор кейинги ўн ойда тамоман янги қиёфа касб этганлигидан кўпчилик ҳайрон. Бунинг асл сабаби мустақиллигимиз шарофати ва бозор иқтисодининг туб моҳиятини халқимиз тўла англаб етаётганлигидадир.

Бозорнинг умумий майдони беш гектарни ташкил этади. Унинг биринчи навбати ниҳоясига етказилди. Миллий нақшлар билан безатилган дарвоза ҳамда унга туташ тижорат дуконлари, деҳқончилик маҳсулотлари сотиладиган расталар бир қарашдаёқ эътиборни тортади.

Шуни таъкидлаш керак-ки, бозорнинг гавжум бўлиши сотувчи ва харидорлар учун яратиладиган шарт-шароитларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Ҳозиргача чойхона ва ошхоналар, мингга яқин автомашиналарни ўз бағрига сиғдира оладиган иккита тўхташ жойи қурилиб, ишга туширилди.

Кўзда тутилган бошқа расталар ҳам тидан кеч олтигача ҳаёт жўш уради. Мол ва маҳсулот олиб келувчиларни қулай жойларга жойлаштириш бозор жамоасининг эътиборида.

-Бозор тўлиб турса, биринчидан, шаҳримиз меҳнаткашларининг дастурхони тўкин бўлади, иккинчидан, нарх-наво арзонлашади. Ўз навбатида хазинамизга қеладиган тушумларнинг ҳам миқдори ошади,-дейди биз билан суҳбатда Баҳодир Нурмуродов. Бу бозор иқтисодиётининг, ҳозирги қуннинг асосий талабидир. Айни пайтда кунлик тушумлар 4-5 минг сўмни ташкил этмоқда. Шанба кунлари бу ерда катта бозор бўлади. Кунлик тушум эса 15-16 минг сўмга етади. Бу даромаднинг 90 фоизи бозор қурилишига ишлатилмоқда.

Биринчи навбат қурилишига 28 миллион сўм маблағ сарфланди. Унинг иккинчи ва учинчи навбатида асосан миллий ҳунармандчилик дуконлари, чойхона ва ошхоналар, 50 дан зиёд тижорат дуконлари барпо этиш режалаштирилмоқда.

Илғарилари бозорда олиб-сотарлар уя қуришиб, деҳқонларнинг эркин савдо қилишига йўл беришмасди. Устига устак, улар бу ердаги маҳсулотлар тақчилигига ва қимматлигидан манфаатдор эдилар. Эндиликда олгирларнинг пайи қирқилмоқда. Савдо-харид корхонаси томонидан деҳқонларнинг ортиқча маҳсулотлари келишилган нархларда сотиб олиниб, бозорга чиқарилмоқда. Ҳатто корхона маҳсулотларни тўғри даланинг ўзидан ташиб келтириш учун махсус машина ажратган.

Ўлкамизда олтин кўз жамолини кўз-кўз қилаётган шу кунларда Навоий шаҳрининг марказий бозорига таширф буюрсангиз, сулув фаслнинг барча тўкинлиги ва латофатини ҳис этасиз. Расталарни безаб турган Сирдарё ва Самарқанд қовунлари, Ҳазора узумлари, Учқора майизлари, Нарпайнинг паловга «жон» киритадиган сабзилари, Пахтачининг шарбатга тўла олмалари қалбингизда ажиб бир туйғу, жонажон диёримизга нисбатан чинакам муҳаббат уйғотади.

Навоий бозорининг бағри кун сайин тўлиб-тўлишиб бормоқда. Унинг чиройини томоша қилиб, маҳсулотларидан баҳраманд бўлмоқни истасангиз,навқирон шаҳарнинг марказий бозорига марҳамат қилинг.

Ризо Худойқулов, «Ишонч» мухбири.

ОТА-ОНА ҲАҚИ

(Охири. Боши газтамизнинг 44-сонида).

Пайғамбаримиз Муҳаммад салоллоҳу алайҳи васаллам янги пайғамбар бўлган вақтларида қари кампир юкни зўрга кутариб кетаётган экан. Беринг, мен олиб бориб берай, дедилар. «Ҳай, ўйим узоқ» деди. Ҳа, олиб келинг, дедилар. 8 чақирим экан ўйининг узоқлиги. Пайғамбаримиз кутариб олиб бордилар. Ҳалиги кампир пайғамбаримиз Муҳаммад салоллоҳу алайҳи васалламни танимай, ўзларига ўзларини ёмонлаб, бир Муҳаммад деган чиқибди, пайғамбарман деяпти. Унинг гапига ишонманг, яхши йигит экансиз деб, ўзларига-ўзларини ёмонлаб кетаверибди. Пайғамбаримиз индамай кетаверибдилар - дилига озор бериб қўймай, кампир ҳафа бўлиб қолмасин деб. Охири етказгандан кейин юкни қўйиб: «Онахон, ўша Муҳаммад мен бўлганимда нима дердингиз?» деб сўрабдилар. Шунда «Ло илоҳа иллаллоҳу Муҳаммадур расуллуллоҳ» деган экан кампир тушуниб.

Биз шундай зотнинг умматимиз, биродарлар. Андишани билайлик, ҳаёни билайлик. Ўзимизда бир кун каттанинг ҳам юз-хотирини қилайлик. Нима у қўполлик - кимдан келди бизга юзга шарт-шарт гапирворишлик! Мўъмину мусулмон номимизга доғ тушмаса, ана шу қўполликни ота-онасига ҳам қилиб қўяди-да баъзилар...

Бешинчи ҳақ - она-онанинг бойруғини бажариш. Онани илтимоси, отани илтимоси - бу буйруқ, вожиб. Ўглим мана шуни қилмагин,ўглим ўша жойга бормагин. Ўглим шу ҳаром нарсани ичмагин деса - «хўп» денг. Мен норизоман деса, кўрсатмай қилсангиз ҳам норизолик бўлиб қолиши мумкин.

Ота-онани норизо қилиб, мақсадга етолмай қоласиз, биродар, хушёр бўлинг. Бу дунё сарҳисоблик. Аллоҳ ҳисобини олиб турибди.

Бир одам ибодат қилавериб, 39-40 ёшларда шайх деган ном олибди-да, аммо ҳажга бормаган экан. Ҳажга борай деса, 90 га кирган онаси бор экан: кўзи кўрмайди, юролмайди. Онасини ташлаб кетиб бўлмайди - уйланмаган экан, қарайдигани йўқ. Ўзи шу ҳажга борай дейяверган. Охири: Э, эна, юраверманми, мен ҳам шайх-ҳожи бўлиб келай, дебди-да. «Болам, ё олиб кет мени, ё борма - менга ким қарайди? Бундан кўра ўлдириб кет-да. Мен сен кетганингдан кейин қўролмасам, юролмасам, нима бўлади, болам?».

«Худога топширдим», «Ие, Худо сени менга берган. Мен боқиб катта қилдим. Сени бўйнингда менга қарашлик қарзи бор ахир, болам. Ё ложини қилсанг олиб кет, ўша ерларда ўлиб қолиб кетсам ҳам майли». «Йўқ, сизни кўтариб юролмайман. Ўзим бораман». Нарсаларни тайёрлаб йўлга чиқди. Онаси эмаклаб: «Ҳой, ўглим, ўлдириб кет! Мени кимга ташлаб кетяпсан, ахир» деса: «Мен кетдим» деб кетаверди.

Кампирлигига бориб, онаси «Худоё, сафарингда қуруқ туҳматга учраб, балога йўлиққин, худо урсин сени» деб юборибди. Шайх юриб-юриб бир шаҳарга кечаси кириб келди. Бир маҳалланинг мачити очиқ экан. Шу мачитда бир кечаси билан намоз ўқиб, худони ўзимдан ризо қилай, деди.

Энди Аллоҳ кампирнинг дуосини ижобат қилиб, балони олиб келишини қаранг: ўша маҳаллада бир хонадонга ўғри тушди. Ўйининг эгасини ўлдириб, молини олиб чиқиб кетаётганда, одамлар кўриб қолиб «ўғрини ушла! Ўғрини ушла!» деб қолишди. Ўғри қаёққа қочишини билмасдан, қараса - мачит очиқ, ўзини мачитга урдида, қараса ўзига ўхшаган бир одам намоз ўқияпти. Кийими ҳам бир хил бўлиб қолди. Худо энди сабабини олиб келяпти-да. Ҳалигининг олдига ўғирланган нарсаларни қўйди-ю, жони кўзига кўриниб девордан ошиб тушиб қочиб кетди.

- Мачитга кирди! Мачитга кирди!!! Мен кўрдим, мен кўрдим! — дейишиб, одамлар мачитга бостириб киришди. Қарашса ҳақиқатда ёнида ҳалиги ўғирланган нарсалар, намоз ўқияпти. «Ҳа, ўғирлик қилиб, одам ўлдириб, энди намоз ўқияпсизми?»— деб шарт ушлаб олишди. Ана оқласин ўзини!

Ҳеч ким танимайди. «Мен ҳажга кетяпман!». «Йўқ, алдама, мана - ўғирланган нарсалар!» Уриб дабдала қилиб, қозининг олдига олиб келишибди. «Ҳаммамиз гувоҳмиз! Хонадонга кириб, одам ўлдириб, ҳамма молини ўғирлаб, яна мачитга кириб намоз ўқияпти бу!» «Гувоҳмисизлар?» «Ҳа, ҳаммамиз гувоҳмиз».

У вақтларда гувоҳлар аниқ бўлса - қози ўша вақтнинг ўзида ҳукм чиқаравераркан. «Бировнинг уйига рухсатсиз бостириб кирганг учун икки кўзини ўйинглар, деди. Икки кўз ўйилди. Катта ўғирлик қилганг учун - икки қўлини кесинглар - икки қўл кесилди. Одам ўлдиргани учун икки оёғини кесинг. Икки оёқ ҳам кесилгандан кейин тана бўлди-қолди».

- Бировнинг уйига кириб, ўғирлик қилиб, одам ўлдирганнинг ҳолини кўринг деб, бозорга жар солинг деганда:

- Ўғримасман! Онани норизо қилиб, қарғишини олган ўғилман! - деб жони чиқиб кетди шайхнинг.

Биродарлар, бизга мана бу даҳрийликнинг таъсири бўлди-да, - кўп йигитлар дуога ихлоси йўқ, қарғишдан қўрқуви йўқ. Ҳой дилимни ранжитма, деб турса ота билан она, «Эй» деб кетади - қўрқув йўқда. Оҳ, бу дилларини ранжитганини кеч тушунади. Кейин кўзи очилади - у пайтда ота-она бўлмайди.

Ҳар бир ота-онани йиғлатганни ўзини сел қилиб йиғлатади - фарзанди. Ҳар бир ота-онани қақшатгани ўзига 10 баравар бўлиб қайтади. Отангизнинг, онангизнинг кўнглини оғритманг - дунёда бахтли ҳаёт кечириб, мақсадимга етай десангиз.

Олтинчи ҳақ - ота-она чақирганда - ҳамма ишни қўйиб, «лаббай» деб жавоб бериш. Катта ўғиллар замон зайли билан бошқа туриб қолишади. Ота-она чақирганда ҳамма ишни йиғиштириб келинг. Бу дунёнинг ишини биздан олдин ўтганлар ҳам охирига етказолмаган, биз ҳам етказолмаймиз. Ота-она кетиб қолса - изини тополмайсиз. Армонда қолманг!

Ота-она чақиригига «лаббай» деб жавоб бериш вожиб. Унинг шарти шундай улуғки, ҳатто мабодо суннат намози ёки нафл намозини бузиб, ота-онага жавоб қиласиз. Фарз намозида тўғридан-тўғри жавоб қилиб бўлмайди. Лекин шунда ҳам намоз ўқиётганингизни билдириб такбир бериб қўясиз.

Муқаддас намоз ибодатигаки шундай экан, бошқа ҳеч нарса важ бўлолмайди.

Еттинчи ҳақ - ўзингизга нимани раво кўрсангиз ота-онангизга ҳам шуни раво кўринг. Қандай шароитда яшаяпсиз, нима еяпсиз - ота-онангиз шундай шароитда яшасин.Болаларингиздан қолганини олиб бориб берсангиз - сиз ҳам бир кун набираларингиздан қолганини ейсиз. Олдини олиб борсангиз - олдини ейсиз. Ўн йил олдин бир мачитда имом бўлиб турганимда республикани катта амалдорларидан биттасининг дадаси ўлиб қолди. Менинг мачитимга яқин экан дадасининг уйи. Жанозасига бордик. Подшодан бошқаси бор энди - ўн йиллик гап бу. Ташқарида қўл қовуштириб турганлардан фақат ўша пайтдаги подшо йўқ - қолган ҳаммаси бор. Ҳалиги уйга кирсангиз. Ота касал бўлиб ётган уй зах, босиб қолай дейди. Қоп-қоронғи. Димиқиб кетди одам бир пас ўша ерда ўтириб. Ташқарида турганларнинг савлатидан от ҳуркади. Бу ота шу уйда яшаб, шу уйда вафот этибди. 21 кундан кейин эҳсонига деб чақиришди, 21 кунда бориб ҳалиги уйни танимадик! Қаср қилиб қўйибди 20 куннинг ичида, ҳалиги зах уйлар йўқ. Асфальтни қилиб қўйибди боргунича. Уйнинг ичларини бошқатдан ғиштлар билан қилиб қўйибди 20 кунда-я. Ҳей, инсон! Даданг тириклигида қилмайсанми, оғзини бир учи-я. Аллоҳ фарзанд берсин - инсофлик, тавфиқлик, имонлик, вафолик фарзанд берсин. Ноинсоф, меҳри йўқ, меҳрсиз фарзанддан Аллоҳ сақласин!

Саккизинчи ҳақ - ўзингизга нимани раво кўрмасангиз ота-онага ҳам шуни раво кўрманг. 5 яшар - 10 яшар болангизни кўрмасангиз дунё тор кўриниб кетади кўзингизга. Қани болам, қани анави ширин ўглим қани дейсиз. Эй, инсон қирққа кирган бўлсангиз ҳам, ўттизга кирган бўлсангиз ҳам отангизга, онангизга ўша 5 яшар болангиз сизга қандоғ ширин бўлса, сиз қандоғ яхши кўрсангиз сизни шунақа яхши кўради. Ўзингизни кўрсатиб туринг «яхши юрибман» деб, дийдорингизга пул сўрамайди ота-она. Ота-она учун боласи тинч, яхши юрса бўлди - шуни ўзи давлат. Ойлаб ота-онага ўзини кўрсатмай юрадиганлар бор. Бир навбат келиб сиз ҳам соғиниб ўтирасиз термилиб, ўглим қани деб. Келиб кўрсатиб турсангиз ўзингизни, ҳол сўраб турсангиз - Сиз ҳам болаҳгизни тез-тез кўриб турасиз.

Домла бўлиб, халқнинг ичида юриб, халқнинг хурсандчилигидаям, ташвишидаям бирга бўлаверар экансиз. Баъзи оналар келади ўглимни иситиб беролмайсизми - бир йилдан бери келмайди, дейди 70 га кирган кампирлар. Ё раббий кимларнинг дуосига бу инсон яшаб юribди. Битта шаҳарда туриб, онасининг ҳол-аҳволидан хабар олмайдиган ўгил қанақа қуда-анда бўлиб, яшаб юribди ер юзида бу инсон деворасиз! Тавба дейсиз кейин, тавба, худо, бола бер - инсофи билан бер, ҳаёси билан бер, имони билан бер. Бунақа бевафо бегоначалик андишаси йўқ фарзанднинг боридан йўғи яхши.

Тўққизинчи ҳақ - ота билан бирга таом еяётганда, ўгил ота билан кўчага чиққанда ўгил отадан олдин юриши керакмас. Отадан рухсат сўрамай туриб кетиш керакмас. Фақат рухсат берилса: «Майли, сен олдин юриб кетақолгин» деса унда бошқа гап. Бу - мусулмоннинг маданияти, қоларверса, ўзбек маданияти. Мана шу тарбиятни беринг. Ота турса гумбиллатиб ошни уравермасин. Қани ота, олинг отажоним. Буни олдин отанинг ўзи ўргатиши керак.

Ўнинчи ҳақ - дуо қилганда ота-онани қўшиб дуо қилиш.

Аллоҳ Таоло инсонни ота-онаси орқали дунёга келтиради ва ўзи Қуръони каримнинг Ал-исро сурасида «Улар учун, меҳрибонлик билан хорлик қанотини паст тут, хокисор бўл ва: - «Парвардигорим, мени (улар) гўдаклик чоғидан тарбиялаб-ўстирганларидек, сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгин», деб ҳақларига дуо қил» - деб буюради.

Яна ҳар бир намоз пировардида - «Аллоҳ мени ва ота-онамни мағфират қилгин...» деган дуо қилиниб, намоз якунланади.

Аввало ислом барча мўмин-мусулмон фарзандлар учун ота-онага яхшиликни ёлғиз Аллоҳ Таолога ибодатдан кейинги иккинчи вазифа қилиб кўяди. Бу таълимотга биноан, ота-она мўминми, кофирми, яхши-ёмони барибир, фарзанд уларга нисбатан ҳурмат сақлаши, сўзларини қайтармаслиги ва уларнинг ҳақларига яхши дуолар қилиши вожибдир.

Ҳар бир фарзанд хоҳ номозида бўлсин, номоздан сўнг холис дуоларида ота-онаси учун, улардан аввалги жамики аждодлари - токи Одам ато отамизу Момо Ҳаво онамизгача шажарада ёзиб борувчи аждодларимиз учун Аллоҳдан ўзини ва уларнинг гуноҳларини мағфират қилишини тилаб дуо қилишлари лозим, чунки ҳар бир фарзанд бир катта шажаранинг давом эттирувчисидир.

Ота-оналари ҳаёт инсон Аллоҳдан уларни умрларини узоқ қилмоқчилигини, фарзандларини бошида давлат, соябон, дуогўйлари бўлиб юрмоқликни сўрасин. Фарзанд ўзи учун, Қиблагоҳи ва Волидаи меҳрибонлари учун доимо Аллоҳдан имон, эътиқод, рушду ҳидоят сўрагандан сўнг, ўзи ва улар учун тани соғлик, хотиржамлик ва тинчлик сўрасин.

Агар уларни хоҳ иккалалари, хоҳ бирлари қолган бўлишсаю, бемор бўлсалар Аллоҳдан уларга шифои-комил тилаб дуо қилмоқликлари лозимдир.

Агар ота-оналар фарзандларига ранжитувчи сўз айтсалар ҳам, уларга сўз қайтармасдан, Аллоҳдан ўзига сабр-қаноат, уларга ружду ҳидоят сўраб дуо қилсин.

Фарзанд ота-она ҳузурида ҳамиша ҳокисор бўлсин.

Эй қиблагоҳим, эй Волидам, мен ўзим, бола-чақам, топган молу-дунёим сизларники, қандай тасарруф қилсангиз биз розимиз, деб улар кўнглини кўтарсин.

Одамийлик сабоқлари



Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли «Хўжаикон» туз зарралари билан даволовчи шифохона Марказий Осиё минтақасида ягона ҳисобланади. Шеробод гуманида жойлашган бу шифо масканида турли хил аллергик тошмалар, бронхиал астма, гипертония, сурункали пневмания, қулоқ-бурун-томоқ шамоллаши сингари касалликлар даволанади. Бу ерда туз тоғи остидан сунъий туз гори қазилган бўлиб, унда 5 та даволаш хоналари мавжуд. Уларда бирваракайига 300 тагача беморга тиббий хизмат кўрсатиш мумкин. Лекин стационар хизмати биноларининг стишмаслиги сабабли бор-йўғи 50-60 беморга хизмат кўрсатилаяпти, холос. Утган йили бу ерда 500 ўринга мўлжалланган шифохона бинолари қурилиши бошланган эди. Лекин бугунга келиб бу қурилиш ҳам суст олиб борилаяпти. Халқимиз саломатлигини тиклаш йўлида хизмат қиладиган бундай муҳим иншоотнинг кейинги тақдири билан тегишли идоралар албатта қизиқиб кўрадилар ва зарурий ёрдамни амалга оширадилар, деган умидламиз.

Суратда: вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ходими Михли Оққўзиев, ҳамшира Лола Эшмуродова ва врач Гаффор Ёдгоровлар беморни кўздан кечиряптилар.

Ш.ШАРОПОВ туширган сурат.

ДИФТЕРИЯ КАСАЛЛИГИДАН САҚЛАНИНГ!

Дифтерия ўткир юқумли касаллик бўлиб, одамнинг асаб ва юрак-қон-томир тизимини жароҳатлайди. Бу хасталик жуда қадим замонлардан маълум бўлиб, бўғма деб ҳам юритилган. Унинг қўзғатувчиси соғлом одамга бемордан ёки соғлом, аммо микроб ташиб юрувчилардан юқади. Дифтерия микроби асосан ҳаво томчиси воситасида бемор йўталганда, акса урганда, хасталанган бемор билан яқин муносабатда бўлганда юқиши мумкин. Айрим ҳолларда дифтерия микроби идиш-товоқ, ўйинчоқ, кийим-кечаклар зарарланган бўлса ҳам ўтиши мумкин.

Хасталикнинг белгилари намоён бўлгунга қадар яширин даври 3 кундан 10 кунгача ўтиши кузатилади. Беморнинг кўпинча ҳалқуми зарарланади. Тана ҳарорати юқори бўлмай, фақат оғир ҳоллардагина 39-40 ва ундан юқори даражага кўтарилиши мумкин. Хасталик бошлангач 2-3 кундан сўнг томоқдаги муртак безлари юзасида аввал тўда-тўда, сўнгра яхлит парда пайдо бўлади. У оқиш, кулрангда бўлиб бўртиб туради. Айрим пайтларда юмшоқ танглай ва ҳалқумда ҳам шундай парда ҳосил бўлиш ҳоллари учрайди. 7-10 кун ичида бемор соғая бошлагач, парда ҳам аста-секин йўқолиб кетади.

Хасталикнинг оғир турида беморнинг дармони қурийди, бўшашаб, иштаҳаси йўқолади. Қолаверса, дифтерия микроби ажратган заҳар танага тарқалиши билан боғлиқ бўлиб, беморнинг бўйин соҳасида шиш пайдо бўлади. Юрак мушаклари зарарланади, суст уради, қон босими пасаяди, терининг оқариши кузатилади. Озгина ҳаракатланиш ҳам беморнинг юрагини тез уриб кетишига олиб келади. Бундай ҳолларда бемор қимирламай ётиши керак.

Баъзан ҳиқилдоқ дифтерияси ҳам учрайди. Бунда ҳиқилдоқнинг шиллиқ қавати зарарланиб, нафас олиш қийинлашади. Бемор қуруқ, дўриллаб йўталади. Бундай ҳолларда товуш пасайиб кетиши мумкин. Ҳиқилдоқнинг яллиғланиши кучли бўлса, нафас йўли бекилиб қолиб, ҳатто бўғилишгача олиб келади.

Хасталанган ёки дифтерия белгисини ўзида гумон қилган киши зудлик билан шифокорга мурожаат қилиши керак. Чунки, ўз вақтида қўлланилган даволаниш муолажалари тезроқ соғайиб кетишга омил бўлади. Ангина билан хасталанган беморлар ҳам врачга мурожаат этишлари керак. Қолаверса, томоғи ва бурнидан оддий пахта билан олинадиган суртма топшириб касалликни барвақт аниқлашга ёрдам қилган бўладилар. Бу билан ўзларининг ва ёнверидаги яқинларининг соғлигини ҳам ҳимоя қилган бўладилар. Мабодо хасталик аниқланса, албатта шифохонада даволаниш шарт. Шундагина юмшоқ танглайнинг ва тилчанинг фалажи, бўғилиб қолиш каби касаллик асоратларининг олди олинган бўлади.

Дифтерия хасталигининг олдини олиш мумкин, у билан касалланмасликнинг ҳам иложи бор. Бунинг учун гўдаклар 2 ойлигидан бошлаб 60 ва ундан катта ёшдагилар ҳам дифтерия вакциналари билан эмланишлари керак бўлади. Эмланганда касалликка қарши иммунитет ҳосил бўлади. Одамда бундай эмлаш воситасида ҳосил қилинган иммунитет 8-10 йил вақт ўтгач сўниши ҳам мумкин. Шунинг учун такрор эмлашнинг аҳамияти ҳам каттадир.

Хасталикнинг тарқалишини камайтириш озоделикка кўп жиҳатдан боғлиқдир. Жумладан, одамлар кўп тўпланадиган мактаб, боғча, кинотеатр каби жойларни тез-тез шамоллатиб туриш, кўплаб одамлар қатнайдиган транспортларни тоза тутиш аҳамиятлидир.

Дифтерия касаллигига қарши курашда ҳар бир киши фаол бўлиши керак. Яъни, ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳушёр бўлишлари, хасталикнинг аломатларини сал сезгудай бўлсалар, зудлик билан шифокорга мурожаат қилишлари, озоделикка қаттиқ риоя қилишлари ва ўз вақтида эмлатишга аҳамият беришлари лозим. Ана шундагина ҳавфли бир хасталикни чекинтириш мумкин.

Б.МАДАМИНОВ,
Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария-эпидемиология Бош бошқармасининг мутахассиси.

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ЧУҚУРРОҚ ЁРИТИЛСА

Менинг бутун умрим маданият ва санъат билан боғланиб келмоқда. Шу боисдан ҳам ўзим учун қадрдон нашрлардан бири, қоларверса, намуна сонларидан бошлаб ўқиб келаётганим «Ишонч» саҳифаларидан маданият ва санъатга оид мақолаларни, айниқса, катта қизиқиш билан ўқиб бораман. Кези келганидан фойдаланиб таъкидлашим лозимки, кейинги пайтларда газета мавзуси анча кенгайди, унда бошқа соҳалар қатори Ўзбекистонимизнинг йил сайин ривож топаётгани, маданияти ва санъатини ёритишга алоҳида эътибор берилаётганлиги қувончли ҳолдир. Ўз овози, мусиқа ва рақс соҳасидаги маҳорати билан эл оғзига тушган санъаткорларимиз ҳақида берилган мақолалар бунинг гувоҳидир. Мен уларни қониқиш билан ўқиб чиқдим. Лекин халқимизда эгри ўтирсанг ҳам тўғри сўзла, деган мақол бор. Биринчидан, шу соҳанинг одами бўлганлигим, қоларверса, газетанинг мухлисларидан бири сифатида айрим эътироз ва истакларим ҳам йўқ эмас.

Менинг тушунишимча, «Ишонч» ишлаб чиқаришдан кўра инсон маънавияти, чунончи, унинг орзу-ўйлари, одамларча яшаш учун шарт-шароит яратиш, миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш, замондошларимизда ўзбекона ақлоқ-одобни камол топтириш мавзуларини тадқиқ этиш билан кўпроқ шуғулланади. Ҳолбуки, бу борада маданият ва санъатнинг аҳамияти бениҳоядир. Шунинг учун ҳам мен ўтмиш санъатимиз дарғалари, уларнинг мураккаб кечмишлари, ўз қушиқлари-куйлари ва рақслари билан халқ қалбига абадулабад жойлашиб улгурган хофизларимиз, раккосаларимиз, бастакорларимиз ҳақида ҳикоялар берилишини, бугунги кунда ўз сози-ю овози билан обрў топаётган ёшлар ва эл ҳурматида бўлган санъаткорларни ҳам халққа таништириб борилишини, бозор иқтисодиётига ўтиш босқичи қийинчиликлари рўкач қилинган ҳолда кутубхона ва клубларга эътибор сусайган жойлардаги ҳақиқий аҳвол очиқ кўрсатилган танқидий мақолалар ёритилишини истардим.

Эркинжон ҚОРАХОНОВ, Наманган шаҳар маданият бўлимининг бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Ховос туманидаги «Фарҳод» ширкат жамоа хўжалиги Сирдарё вилоятининг зарбдор хўжаликларидан бири ҳисобланади.

Айниқса, сут маҳсулотлари фермасининг қилаётган ишлари эътиборга лойиқдир. Раҳбарлар янги техника билан жиҳозланган молхоналар иссиқ, озода бўлишига катта аҳамият бериб келадилар. Бу ерда 1000 та мол боқилиб, улардан 425 таси соғин сигирлардир.

Зотли молларни кўпайтириш хўжалик уз олдига қўйган муҳим вазифалардан бири бўлиб қолган. Ҳар йили хўжалик 70 тадан ёш зотли бузоқларни сотиб даромадига даромад қўшмоқда.

Хўжалик қишга барвақт тайёрланиб, ем-озуқа етиштириш пехида кичкина тегирмон ҳам қурдириб олди. Бу ерда соатига бир ярим тонна омухта ем ишлаб чиқарилади.

Шу йили хўжалик давлатга 880 тонна сут ва 100 тонна гўшт топширди.



Суратларда: «Фарҳод» ширкат хўжалигининг раиси Алишер Жумаев (ўртада) ҳамиша чорвадорлар билан маслаҳатда. Чорвачилик фермасида.

Баҳром ТЎРАЕВ тасвирлари (ЎзА фотохроникаси).

Табиатнинг ўзи табиб

Инсон организми табиат билан кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигига шубҳа йўқ. Одам танаси талаб қилган барча витаминларни етарлигича табиат етиштирган мева, сабзавот ва ўсимликлардан олади.

Азиз газетхонларга мана шундай табиат эҳсонларидан иккитасининг хислатларини очиб бериш ниятидамиз.

БЕҲИ - жуда фойдали мева. Айниқса, ширин беҳи истеъмол қилинса одамнинг кайфияти кўтарилиб, ҳар хил нохуш хаёллардан мосуво бўлади. Беҳи бош оғриққа яхши даво ҳисобланиб, руҳни енгиллаштиради.

Юрак, жигар, ошқозон фаолиятини яхшилаб, томирлар уриши тезлашган пайтда юракни анча тинчитади. Киши кўнгли айниб, беҳол бўлганда эса беҳининг қиргичдан ўтказилганини истеъмол қилса, дарҳол аҳволи енгиллашганини сезади.

Беҳи шарбати қонни тўхтатиш хусусиятига эга бўлиб, чанқоқни ҳам яхши босади.

Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керак-ки, у меъёридан кўп истеъмол қилинса, ошқозон-ичакка зарар етказиб қўйиши ва йўтал пайдо этиши мумкин. Шунинг учун беҳи димлаб, ёки сувда пишириб, ёки қиём қилиб истеъмол қилинганда фойдаси кўп бўлади.

Бемор кишилар эса бир ичганда беҳи шарбатини 100 грамдан ортиғини ичмаслиги лозим.

ЁНҒОҚ - ўзбеклар дастурхонидан аримайдиган мева. Чунки ёнғоқнинг ниҳоятда фойдали эканлигини халқимиз азалдан билган. У мия иш фаолиятини яхшилайди, юракни бақувват қилиб, жигарни тозалайди. Майиз ва анжирга қўшиб истеъмол қилинса, ҳиссиётни кучайтиради. Ёнғоқ ёши улуғроқ кишиларга айниқса фойдали мевадир.

Аммо бу мева ҳам меъёрида истеъмол қилингани маъқул, чунки ортиғи томоқ йўлларини яллиғлантириб, оғиз бўшлиғини ёриб юборишi мумкин.

Ўй бекалари эса шуни билиб қўйганлари яхши. Агар сариғ (маска) ёг уриниб қолган бўлса, унга бир-иккита ёнғоқ магизини солиб қайнатиб юборсангиз, ёгнинг тахир мазаси батамом йўқолади.

ДУШАНБА, 27

ЎзТВ I

7.00 **«Ҳафтанома».**
7.30 — 9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!»** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 **«Сирли сандиқ».** Телевизион ўйин.
10.00 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
10.30 «Малласоч малика». Бадиий фильм.
11.50 — 13.00 **«Қўшиғимдасан, Ватан!».** Телевизион танлов тақдимоти.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 **Янгиликлар.**
18.10 **«Ҳаёт». «Нурли манзил остонаси».** Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Окшом эртаклари.
20.05 **«Ҳаёт». «Кафтимдаги саиёра».** Публицистик кўрсатувнинг давоми.
20.55 Эълонлар.
21.00 **«Ахборот».**
21.20 Эълонлар.
21.25 **«Ҳаёт». «Олам гўзал мунаварликда».** Публицистик кўрсатувнинг давоми.
23.55 Эълонлар.
24.00 **«Ахборот».**
00.15 — 00.45 **«Обид — А»** театри намойиш этади.

ЎзТВ II
«Тошкент»
студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Тафсилот». Ахборот кўрсатуви.
19.15 «Деҳқон ҳиммати». Паркент туманидан кўрсатув.
19.45 «Тошкентнома».
20.45 «Бу разведкада бўлган эди». Бадиий фильм.
22.15 — 22.45 «Спорт-тайм».

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Мовий ҳалқа бўйлаб». Телефильм.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20 — 21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.40 «Қуёш шуъласи остида». Телефильм.

ЎзТВ IV
ҲАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
*
«ОМАД» таништиради:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 Эълонлар.
20.55 «Қўрьер».
21.15 «...яна об-ҳаво ҳақида».
21.25 Эълонлар.
21.30 — 23.10 Видео — «О».

СЕШАНБА, 28

ЎзТВ I

7.00 **«Ахборот».**
7.20 — 9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!»** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Абдулла Қаҳҳор».
9.30 Немис тили.
10.00 «Ёшлик» студияси. «Мактубларингизни ўқиб...»
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 «Нурли сиймолар». Кинокўрсатув.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
12.00 «Томоша». Фильм-концерт.
12.30 — 14.30 «Умидлар йили». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 **Янгиликлар.**
18.10 Болалар учун фильм.
18.40 **«Адолат».** Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Окшом эртаклари.
20.05 **«Сарви гулрў келмади».** Навоий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар.
20.55 Эълонлар.
21.00 **«Ахборот».**
21.20 Эълонлар.
21.25 «Оқ қоплоннинг зурриёти». Бадиий фильм. 1 — 2-сериялар.
23.35 Эстрада тароналари.
23.55 Эълонлар.
24.00 — 00.15 **«Ахборот».**

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:

18.30 «Мультфейерверк».
18.45 «Табиат дунёси». Оммабоп кўрсатув.
19.35 «Ҳусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.55 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 «Видеогид».
21.30 «Теле-ателье-шоу».
21.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.20 — 24.00 «Кинонигох».

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Гребешок». Телефильм.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 00.15 «Дунё табиати».

ЎзТВ IV
ҲАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
*
«ОМАД» таништиради:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 — 23.50 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

ПАЙШАНБА, 30

ЎзТВ I

7.00 **«Ахборот».**
7.20 — 9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!»** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Одам-амфибия». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология.
11.00 «Ишбилармон». Телеочерк.
11.30 «Кўз жилолари». Кинодастур.
12.10 Ўзбек куйларидан концерт.
12.40—14.40 «Ёшлик» видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 **Янгиликлар.**
18.10 «Маҳалламиз болалари». Бухоро шаҳар маҳалла болаларининг телемусобақаси.
19.05 **«Турон тулпорлари».** Спорт кўрсатуви.
19.25 Эълонлар.
19.30 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Окшом эртаклари.
20.05 «Навоийхонлик». Адабий кўрсатув.
20.35 «Юзма-юз». Таълим ва тил ўрганиш бўйича Америка Ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги регионал директори Мунаввар Олғун билан мулоқот.
20.55 Эълонлар.
21.00 **«Ахборот».**
21.20 Эълонлар.
21.25 **«Олтин мерос».** Ҳалқ артисти Раззоқ Ҳамроев.
22.10 Мусиқий дақиқалар.
22.20 Ўзбек киносининг 85 йиллиги га. Бадиий фильм.
23.55 Эълонлар.
24.00 **«Ахборот».**
00.15 — 00.45 **«Тушимда кўрсам эди».** Нодира ғазаллари билан айтиладиган ашулалар.

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:

18.30 «Юра даври боғидаги саргузашт».
19.00 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.50 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.35 «Кинонигох».
22.15— 22.45 «Оламнинг яратилиши». Оммабоп кўрсатув.

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Матолар жилоси». Телефильм.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.40 Телеочерк.

ЎзТВ IV
ҲАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Тадбиркорлик мактаби».
20.20 «Безнен мирас» (татар тилида).
21.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.00 Л. Якубовичнинг «Мўъжизалар майдони» Тошкентда (2-кўрсатув).
22.45 — 23.30 «Туризм-ревю».

ЖУМА, 1

ЎзТВ I

7.00 **«Ахборот».**
7.20 — 9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!»** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 Бадиий фильм.
10.35 М. Ҳазраткулов. «Меҳр кўп кўргазд

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

...Исмоил алайҳиссалом вояга етиб, уйланибдилар. Овчилик билан кунлари кечар экан. Кунлардан бир кун овга кетганларида қари туяда кекса бир нуроний уларнинг эшикларини қоқибди. Исмоил а.с.нинг хасму ҳалоллари чиқиб: «Нима юмушингиз бор?» — дебди. Кекса эса уй соҳибини ҳамда бирон егулик беришнг сурабди.

— Ҳужайиним овга кетганлар,

уйимизда ҳеч бир егулик йўқ, атиги бир косатина сувимиз бор, холос, — дебди асл.

Кекса ота қайтар чоғи:

— Ҳужайининг келса унга айтиб қўй, уйининг остонаси нобоп экан, уни алмаштириб қўйсин, — дебди.

Кеч кириб Исмоил а.с. уйга келибдилар. Завжалари бўлган воқеани айтиб берибди. Исмоил а.с. ўйлаб турибдилар:

— Уша кекса одам менинг отам буладилар, уйимнинг остонаси эса сенсан, — деб хотинларини уч талоқ қўйибдилар.

Бир йилдан сўнг Иброҳим а.с. ўзларининг қари туяларида яна ўгилларинкига келибдилар. Исмоилнинг кейинги хотинлари эшикни очиб остонада турган муйсафидга:

— Ассалому алайкум, келинг, отахон, туядан тушиб уйга киринг, азиз меҳмонимиз бўлинг, — деб йўловчига ширин муомалада бўлибдилар.

— Уй соҳибини чақир, — дебди йўловчи.

— Улар овга кетганлар, ҳозир келиб қоладилар, улар келгунича уйга кириб, чой ичиб туринг, — дебди соҳиба.

Муйсафид чеҳрасидан нур ёғилиб турган соҳибага юзланиб:

— Эй болам, уйингизда бирон егулик борми, — деб сурабдилар.

— Уйимизда баҳор бугдойидан тайёрланган ун бор, гўшт, сут, ичиш учун сувимиз ҳам бор, — дебди асл.

Кунгли тоғдай кутарилган ота:

— Эй, болам, мен ерга тушолмайман-да, — дебдилар.

Соҳиба чаққонгина бориб каттакон тош келтирибди, шу тош устига отанинг оёқларини қўйдириб, туядан тушириб олибди, чой ичирибди, иззат-икром кўрсатиб, меҳмон қилибди, отанинг дуосини олибди.

Меҳмон қайтишга чоғланиб:

— Соҳибинг келса унга айтгин, уйингизнинг остонаси уйнинг узига жуда мос экан, — дебди.

Исмоил а.с. овдан қайттач бўлган воқеадан хабар топибди.

— У киши менинг отам бўладилар, уй мен, остона эса сенсан, Демак отам яхшиликдан башорат бўрибдилар, — дебди.

Иккови ширин турмуш қуришибди, қунлари осуда ва фароғатда ўтибди. Ота-бола дийдор кўришиб туришибди. Яратганнинг йўлида кўп хайрли ишларни қилибдилар. Азиз ва табаррук Байтуллоҳни қайта қуришда ҳам кўп саъй-ҳаракатлар қилибдилар. Жумладан, Исмоил а.с. оталари Иброҳим а.с. билан Байтуллоҳни қайта қурибдилар. Ана шу кез бир тошга иккита калиш изи—уларнинг табаррук излари тушиб қолган экан... Ана шу из тушган тош Каъбаи хонага тахминан 10—15 метр чамаси етмасдан тилла қобирғали ойна ичига ўрнатилиб, сақланар экан. Мен минг ҳайрат билан қаттиқ тош юзасидаги ота-боланинг изларига боқаман. Зиёратга келганлар қаторида тавоф қиламан. Менга ҳам ана шу гаройиб икки калиш изларини кўриш ва одамсимон шаклдаги ускунанинг сиртидан ушлаб, юзларимга суртиб зиёрат қилишликни Аллоҳ Таборак ва Таоло насиб этганига шукроналар айтаман... Бу муқаддас изларга ҳайратда боқаман, покдомон Иброҳим а.с., ўғиллари Исмоил а.слар ҳақидаги улуг бир ҳикматлар ёгиладиган ривоятларнинг минг бир хосияти борлигини, Яратганга иймоннинг қатъийлиги тантанасини ота ва фарзанднинг бир-бирларига чексиз, поёнсиз ҳурматлари-ю, поклик, иймоннинг тантанасини ҳис этаман...

(Давоми бор).

Кўшоқбой ҳожи ҚОСИМОВ.

Спорт

«ЖАСОРАТ-ИРОДА-ҒАЛАБА» СПАРТАКИАДАСИ

Узбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Республика жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу спорт мусобақаларида таянч-ҳаракат аъзолари шикастланган, қуриш ва эшитиш қобилияти заиф бўлган 200 та ногиронлар ўзаро беллашдилар. «Жасорат-Ирода-Ғалаба» шиори остида ,ўтган спорт учрашувлари қизиқарли ва ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлди. Спортнинг мини-футбол, оғир атлетика, шахмат-шашка турлари бўйича кураш олиб борилди. Мусобақаларда қатнашган ҳар бир уйиннига катта ҳурмат эътибор кўрсатилди. Шунингдек, уларга спорт костюмлари ва оталиқ ташкилотларининг қимматбаҳо совғалари топширилди. Уч кун давомида улар ҳолидан ҳар сония хабар олиб турилди. Етоқхона, озиқ-овқатлар ва транспорт воситалари билан мунтазам таъминландилар. Спорт олишувлари жанговар ва ҳалол ўтиши учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилди. Зеро, ногирон ва хасталарнинг кунглини кўтариш катта савоб-эзгу ишдир. Ғолибларнинг 10 нафарига ногиронлар аравачаси тақдим этилди. Булар орасида оғир атлетика бўйича республика чемпионлари Юсуф Қодиров, Валерий Потапов, Ҳасан Ҳамдиев ва Сергей Ловягинлар бор.

Жанговар беллашувларни кўрган одам, албатта улар иродасига қойил қолмай илажи йўқ. Мусобақа қатнашчиларидаги қатъият, ғалабага бўлган ишонч ва маҳорат томошабинларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, оғир атлетика ва футбол учрашувларини, шахмат-шашка уйинларини кўрганимизда ногиронлар ҳам жамиятимизнинг баркамол, соғлом ва эътиқодли фуқаролари эканликларига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Таянч-ҳаракат аъзолари шикастланган ногиронлар ўртасидаги мини-футбол бўйича ўтказилган баҳсда Тошкент шаҳрининг «Байналмилал-I» жамоаси шоҳсупанинг энг юқорисига кўтарилишди. Кар-ногиронлар ўртасидаги мини-футболда биринчилик Тошкент «Ёшлар» командасига насиб этди. Эркаклар ўртасидаги шахмат бўйича биринчиликда сирдарёлик Мурод Мирзаолимов I ўринни эгаллади. Спортнинг шу тури бўйича аёллар ўртасида ғолиблик Бухоро вилоятидан ташриф буюрган Соҳия Тўхтасвага насиб этди. Шашка мусобақалари ҳам ғоят кескин тус олди. Унда эркаклар ўртасида қашқадарёлик Нурали Худоёровга, аёллар ўртасида эса тошкентлик Сурайё Абдулинага тенг келадиганлар топилмади. Оғир атлетика мусобақаларида Самарқанд шаҳридан келган Ҳасан Ҳамдиев, Владимир Барсев, Валерий Потапов, Юсуф Қодировлар, тошкентлик Фарҳод Исмоилов, чирчиқлик Сергей Ловягинлар уз вазнлари бўйича ғолиб деб топилди.

Республика ногиронлари I спартакиадасининг ёпилиш маросими «Туркистон» саройида бўлиб ўтди. Унда ғолиблар қимматбаҳо совғалар ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирланишди. Кеча сўнгида ғолиблар ҳамда қатнашчилар учун концерт программаси намойиш этилди.

Шомаҳмуд ШОБИЛОЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

Дил сўзлари

Ҳулкар ЖАМОЛОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг раиси

- Спартакиада якунлари ҳаммамизни қувонтирмоқда. Биз ана шундай тадбирларни мунтазам равишда ташкил этишга келишиб олдик. Спорт мусобақаларининг олдин район, вилоят, шаҳар кейин Тошкент шаҳрида ўтказилишида катта маъно бор. Чунки эндиликда мамлакатимиз жаҳон миқёсига чиқаяпти. Шунинг учун ногиронлар спартакиадалари ҳам халқаро тус олишини истаймиз. Келгусида албатта шундай бўлади.

Спартакиадани тайёрлаш ва уни ўтказишда уз хиссасини қўшган мутасадди ходимларга, ташкилотларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Ушбу мусобақа ҳар биримизга катта ишонч, умид бахшида этди. Президентимизнинг «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак ва ҳар куни қилиши керак», деган ҳикматли сўзлари шиоримизга айланиши лозим.

Баҳодир УМУРЗОҚОВ,
Республика ижтимоий таъминот вазири, спартакиаданинг бош ҳаками

- Ишончим комилки, спартакиада Узбекистон тарихига янги саҳифа бўлиб киради. Унда 200 га яқин ногиронлар фаол қатнашиб, яхши натижаларга эришдилар. Фикримча, ана шунақа мусобақа камида 2 йилда бир марта ўтказилиб туриши керак. Бу йилги спартакиаданинг халқаро ногиронлар куни олдидан ўтказилиши катта рамзий маънога эга.

Республикамизда 540000 нафар ногиронлар яшайди. Уларга ўқиш, ишлаш ва яшаш учун давлатимиз ҳамма имкониятларни яратиб бермоқда. Бугунги спартакиада ҳам ана шундай савобли тадбирлардан биридир. Ногиронлар ўзларини жамиятнинг тўлақонли аъзоларидек ҳис қилишлари учун барча асослар бор. Уларни соғломлаштириш, меҳнат ва спорт қобиляти ларини ўстириш юзасидан қўшимча чоралар кўриляпти. Тақилий қўмита амалга оширган ишларнинг самарасини кўриб турибмиз. Келажакда ҳамма куч-имкониятларимизни бирлаштирсак, бундан ҳам улуғроқ ва қўпроқ ишларни амалга оширамиз.

Машрабхон ИСМАТОВ,
«Байналмилал-1» футбол жамоаси бошлиғи

—Мусобақалар жуда яхши ўтди. Бунинг учун ташкилотчиларга миннатдорчилик билдираман. Жамоамиз биринчи ўринни эгаллаб, ўз мухлисларини ҳурсанд этди. Ғолибликни қўлдан бермаслик эндиги шиоримиздир. Чемпион деган номни келгусида ҳам сақлаб қолиш ва Ватанимиз шонш-шуҳратини дунёга танитиш учун бор маҳоратимизни ишга соламиз. Қаранг, орамизда саховатли инсонлар кўп экан. Уларга ҳам бахт ва омад тилайман. Ана шундай спорт мусобақалари тез-тез ўтказилиб турилса, нур устига аъло нур буларди.

Содиқ УБАЙДУЛЛАЕВ,
Республика ногиронлар жамиятининг раиси

- Спартакиада республикамиз спорт ҳаётида ўзига хос воқеа бўлди. Мустақиллик шарофати билан инсоний ҳак-ҳуқуқларимиз, қадриятларимиз тикланмоқда. Бундан албатта, барчамиз мамнунмиз. Киши ногирон ёки касалманд бўлиши мумкин. Лекин у барча қатори озод, бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришга ҳақлидир. Спорт мана шу ҳаётнинг муҳим бир жабҳаси десак, тўғри бўлади. Мусобақаларда ажойиб натижалар кўрсатилгани, қолаверса ҳар икки йилда бир марта спартакиада ўтказиш ҳақида қарор қабул қилингани айни муддаодир. Амалга оширилаётган хайрли ишлар кўндан кунга кўпайиб бормоқда. Ногиронларга кўрсатилаётган гамхўрлик ва меҳр-оқибат мавсумий иш эмас. Улар ҳар куни, ҳар доим, ҳар сонияда бундай олижанобликка муҳтож. Худога шукрки, юртимизда дўстлик, биродарлик ва тинчлик барқарор. Шунинг ўзи катта бахтдир.

Пиёзхўжа ТЕШАБОЕВ,
Республика ногиронлар меҳр-шафқат ва спорт жамғармасининг директори

- Бугунги мусобақанинг аҳамияти катта. Зеро ногиронларни ижтимоий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашчин инсонпарварлик ифодасидир. Мустақиллик бундай маросимларни мунтазам ўтказиш учун катта имкониятлар очди. Республика меҳр-шафқат ва спорт жамғармаси ҳам шу йўналишда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Асосий мақсадимиз ногиронларни соғломлаштириш ва спорт билан шуғулланишга даъват этишдир. Бу йўлда дастлабки қадам қўйилди. Келгусида ногиронлар спартакиадасини халқаро миқёсда ўтказиш режалаштирилмоқда.

МУНАЖЖИМЛАР ТАДБИРИ

(27.XI—3.XII кунлари учун)

ДАЛВ (20.01-18.02) ойида туғилганлар учун бу ҳафтанинг аввалги ярми омадли, кейинги ярми эса нохушроқ келиши кутилур. Шунинг учун имкон қадар режалаштирилган ишларни ҳафтанинг аввалида бажариб олишга ҳаракат қилиш керак. Бу кунларда оилада ва иш жойларида қувончли воқеалар содир бўлиши эҳтимол қилинур. Хусусан, маблағда етишмовчилик бўлур. Аммо ҳафтанинг қолган ярмида иложи бўлса қилинган ишларнинг ҳисоб-китоби билан шуғулланган, кўпроқ вақтни оила қучоғида ўтказган, фарзандлар тарбиясига бағишлаган маъқул.

ҲУТ (19.02-20.03) ойида туғилганлар учун бу ҳафта тўла омад ҳафтаси бўлиши кутилур. Бу кунларда режалаштирилган барча ишларни бажариш мумкин. Хусусан, ишлаб чиқариш, дала ишлари ва илмий соҳаларда яхши натижаларга эришиш эҳтимол қилинур. Ҳафта давомида кишилар қалбига йўл топиш ва уларнинг меҳрини осон қозониш мумкин. Шуларни эътиборга олиб, иложи борича атрофдагиларга меҳр-оқибат кўрсатиб, уларнинг ҳурматини қозонишга ҳаракат этиш лозим.

ҲАМАЛ (21.03-22.04) ойида туғилганлар учун бу ҳафта жуда ҳам қизиқарли ва воқеаларга бой ўтиши кутилур. Бу кунларда оила бюджетида катта узгариш бўлиши, кўтилмаган қадрдонлар билан учрашувлар юз бериши ҳамда мартабаларга кўтарилиш ҳоллари эҳтимол қилинур. Ҳафта давомида ота-оналарни рози қилиш, уларни зиёрат этиш, ҳақларига дуолар қилиш жуда ҳам муҳимдир. Бу кунларда тўй-ҳашамлар ўтказиш ва сафарларга чиқиш ҳам мароқли якунланажак.

САВР (23.04-20.05) ойида туғилганлар учун бу ҳафта оддий кунлардан иборат бўлиб, деярли сўзда қоларли воқеалар бўлмаслиги эҳтимол қилинур. Мазкур кунларда сафарга чиқиш, тўй-ҳашамлар ўтказиш, дам олишлар уюштириш ҳамда табиатга сайр этишлар жуда мароқли ўтиши кутилур. Бу ҳафтада бева-бечораларга хайр-эҳсон қилиш, қариндош-уруғлар билан борди-келди қилиш кўп яхши бўлур.

ЖАВЗО (21.05-22.06) ойида туғилганлар учун бу ҳафтанинг ўта қайноқ келиши кутилади. Яъни мазкур кунлар давомида ҳар хил яхши ва нохуш воқеалар бўлиб ўтиши эҳтимол қилинади. Шуларни назарда тутиб, иложи борича барча ишларда эҳтиёткор ва эйрак бўлган маъқул. Оилада эса кўпроқ фарзандлар тарбиясига ва ота-оналарни рози қилишга ҳаракат қилиш лозим. Бу кунларда молиявий соҳада ҳам ўйлаб, режали иш қилинса каттагина даромад келиши мумкин. Ҳафта давомида хизмат сафарига чиқиш, масъуллар қабулида бўлиш ҳам яхши натижа бўлур.

САРАТОН (23.06-21.07) ойида туғилганлар учун бу ҳафта бироз нохуш келиши кутилур. Хусусан, ҳафтанинг аввалида ишхонада ва оила бюджетида бироз қийинчиликлар юзага келиши мумкин. Лекин сабр қилиб, босиқлик билан ҳаракат қилинса, иншооллоҳ, ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Юз беражак қийинчиликларнинг олдини олиш учун ўтирлик, хиёнат ва бузуқчиликлардан қаттиқ ҳазар қилиш лозим. Бу кунларда сафарга чиқмаган ва иложи бўлса катталар билан мулоқотда бўлишдан сақланиб турган маъқул.

АСАД (22.07-22.08) ойи фарзандлари бу ҳафта сафарга чиқишлари, режалаштирган ишларини бажаришлари, савдо-сотиқдан ҳам яхшигина фойда кўришлари мумкин. Ҳафта ичи эски қадрдонлар билан кутилмаган учрашувлари содир бўлади. Ота-оналарни зиёрат қилиш, қариндош-уруғлар билан борди-келдини йўлга қўйишлар ҳам хосиятлидир.

СУНБУЛА (23.08-22.09) ойи фарзандларига бу ҳафта омад келтиради. Тузилажак битим ва шартномалар яхши натижалар беради. Бошланган ишлар натижаси унумли бўлиши эҳтимолдан холи бўлмас. Бу ҳафтада илмий ишлар билан шуғулланиш, янгиликлар яратиш мумкин. Сафарга чиқиш ва раҳбарият билан бўладиган муносабатларда ҳам эҳтиёткорлик зарур. Айниқса, молиявий ишларда қийинчиликлар пайдо бўлади. Дуогўй ота-она ва солиҳ кишиларнинг дуоларини олиш ва уларни ҳурсанд қилиш билан юз беражак баъзи нохушликларнинг олдини олиш мумкин. Валлоҳу Аълам.

Бошқотирма

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



Азиз муштарийлар! Жавоблар шаклда «занжир» ва айрим сўзлар кесишган ҳолда жойлашган.

1. Меҳнатқашларнинг соҳалар бўйича бирлашган оммавий ташкилоти. 2. Авлоддан авлодга утиб келаётган урф-одатлар. 3. Расмий ёзма илтимоснома. 4. Хабар, маълумот. 5. Бозор иқтисодиётини амалга оширишда амалий чоралар мажмуи. 6. Масъулиятни ўз устига олган ҳолда ишонтириш. 7. Касаба уюшмаси фаолиятини текширувчи комиссия. 8. Ижобий ҳислат, фахр, ифтихор. 9. Мақсадга эришиш йўлида садоқат кўрсатувчи киши. 10. Касаба уюшмаси раҳбари. 11. Оммавий ташкилотларнинг катта анжумани. 12. Шодиёна маросими. 13. Совға, тортиқ. 14. Маълум тартибда давлат органига вакил қилиб сайланган киши. 15. Касаба уюшмасининг раҳбарлик қилувчи ва қабул этилган қарорларни ижро этувчи органи. 16. Ор-номус, иззат-нафс. 17. Бахшилар ижро этадиган қўшиқ тури. 18. Кишиларнинг жамиятга хос хулқ қоидалари мажмуи. 19. Қадимда насл-насаб жиҳатидан бир хил бўлган кишилар гуруҳи. 20. Утмишда шогирдларни мустақил ишга ўтказиш маросими. 21. Мактуб, хат. 22. Кичик ҳарбий хизматчи. 23. Касаба ташкилотининг сайлаб қўйилган раҳбар органи. 24. Кишининг бутун борлиғи, вужуди. 25. Турли соҳаларда ўз фаолияти билан танилган киши. 26. Саодат, омад. 27. Дунё ҳалқлари орзуси. 28. Ишлаб чиқариш маскани. 29. Эски ҳужжатлар сақланадиган жой. 30. Касаба уюшма номидан бошқа ташкилотда иш кўрувчи киши. 31. Ишни ҳонадонда ташкил этиш.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

Биласизми?

ЙИҒИДАН ЕНГИЛ ТОРТАСИЗ

Аёллар бир нарсадан қаттиқ ҳафа бўлсалар йиғлаб кунгилларини ёзиб олишади. Шунинг учун ҳам аёллар эркаклардан узоқроқ яшайдилар, дейишади. Ҳақиқатда ҳам шундайми? Нега яхшигина кўз ёши қилган одам енгил тортади?

Олимларнинг аниқлашича, одамнинг енгил тортишига унинг тўйиб йиғлаб олиши эмас, кўз ёшининг қимёвий таркиби сабабчи экан. Унинг таркибида сув, ёғлар, ферментлар, натрий бикарбонатни ҳам уз ичига олувчи тузлар мавжуд. Энг муҳими - кўз ёшида одам қаттиқ ҳаяжонланган пайтда мия ажратиб чиқарадиган азият гармони бўлар экан.

Йиғлаётган пайтда шу гармонлар таналан ажралиб чиқиши оқибатида одам тинчланиб, ҳатто анча тетиклашиб қоларкан. Кўз ёши кўзнинг ички бурчакларида жойлашган безларда ишлаб чиқарилади. Ана шу иккита митти «фабрика» кўз ёшларидан чинакам уммон яратишга қодир.

БУ АЖИБ ОЛАМ

...Нептун сайёрасида шундай қаттиқ совуқ ҳукм сурарканки, у ерга резина туширилса шишага ўхшаб қоларкан, мато синаркан, симобдан эса ажойиб болғалар ишласа бўлар экан.

* * *

...Яшиннинг узунлиги 2-3 километр. Лекин айрим ҳолларда у 10 километргача ҳам етади.

Яшиннинг бош қисми лидер секундига 100 километр тезлик билан учаркан, бу эса артиллерия снарядининг ҳаракат тезлигидан 50 марта кўпдир.

* * *

...Яшиннинг электр қуввати урта ҳисобда 100 миллион вольтни ташкил қиларкан. Ҳарорати эса 20000 даражагача кўтарилади.

* * *

...Шарқий Жазоирда Хаммом Мискутин деган жой бор. У ерда табиий ошхона бўлиб, катта қозонга ўхшаш булоқда сув қайнар экан. Арқонга гўштни боғлаб, бир пас уша сувда ушлаб турилса - овқат тайёр. Шуниси қизиқки, овқатни тузламаса ҳам булади, сув таркибида ош тузи ҳам бор экан.

* * *

... Ҳамма тирик жонзодлар орасида энг баландда яшайдигани ургимчаклар экан. Улар 7500 метр баландликда яшаши мумкин. Овқатни эса шамол учириб олиб келган нарсалардан топади. Қушлар 4500 метр баландликда яшайдилар. Капалакларнинг айрим турлари 6 минг метр баландликда яшаши мумкин.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА тайёрлаган.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

бодомзор ✓ bodomzor

ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАЛАРИ!

"Бодомзор" акционерлик жамияти, корхоналар, ташкилотлар ва барча манфаатдор кишилардан буюртмалар қабул қилмоқда.

Буюртма бергач, сиз янги йил кечаси ташвишлардан халос бўласиз, болаларни бениҳоя қувонтириб, хурсанд этасиз. Совғалар яхши анъаналарда ва жаҳоннинг энг яхши қандолатчилик фабрикаларида тайёрланган.

ЮКСАК СИФАТ, АРЗОН НАРХЛАР, АЪЛО БЕЗАК.

Ҳар 40-совға бепул!

©"BVV"

Ҳақ тўлаш шакли - тулича!

БИЗ СИЗЛАРНИ КУТАМИЗ!

Қуйидаги телефонлар бўйича бизга қўнғироқ қилинг: (3712) 63-73-96, 63-99-62, 60-05-74

Бизнинг манзил: 700140, Тошкент, Ж. Обидова кўчаси, 260-уй. Йўналиш - САМПИ институти.

Диққат, ҳукумат!

Республика Кўчмас мулк биржаси барча тадбиркор ва йирик сармоядорларни 28 ноябрь куни навбатдаги кимошди савдоларига таклиф қилади

Савдога энг харидоргир ва сердаромад кўчмас мулк иншоотлари қўйилади:

Дунёга машҳур "Чимён" сайёҳлик мажмуининг 1 ва 2 корпуслари, ресторан, ёпиқ бассейн (қурилиши тугалланмаган). Бошланғич баҳоси-14 млн. сўм;

Паррандачилик корхоналари:

"Наманган"- бошланғич нархи 82 млн.сўм;
"Қамаши" - 48,5 млн.сўм;
"Хонқа" - 7 млн. 250 минг сўм;
"Хўжаобод"- 32 млн. 520 минг сўм;
"Пахтаобод" - 23 млн. 520 минг сўм;
"Қўшкўпир" - 9,5 млн. сўм.

Намангандаги қурилиши тугалланмаган иншоотлар:

48 хонали уй - 2 млн. 104 минг сўм;
16 хонали уй - 1 млн. 199,7 минг сўм;
Навбаҳорда қурилаётган ҳаммом - 1 млн. 260 минг сўм.
Сирдарё вилоятидаги Гулистон ва Сирдарё нефтебазасига қарашли 3 та АЁҚШ:
15- АЁҚШ - 785 минг сўм; 38- АЁҚШ - 1 млн. 535 минг сўм; 41- АЁҚШ - 3 млн. 540 минг сўм.

Кимошди савдосига марҳамат қилинг!
Кўчмас мулк - ўлмас сармоядир!
Аукционда қатнашиш учун аризалар ва гаров пуллари Кўчмас мулк Республика биржаси ва унинг вилоят бўлимларида бирдай қабул қилинади!

Манзилимиз: Тошкент, Маяковский кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 67-22-14, 67-32-71, 68-17-55
Факс: (3712) 67-24-63

ИШОНЧ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Саидакром САЙДВАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Акмал АКРОМОВ, Рустам АБДУРАЗЗОҚОВ, Абдуманнон АЛИМБОЕВ, Дилбар ЖАҲОНГИРОВА, Турғун НАЗАРОВ, Муҳаммаджон ОТАҚУЛОВ, Муҳайё ТЎЛАГАНОВА, Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА, Баҳодир УМРЗОҚОВ, Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ.

Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари — 56-52-89
Масъул котиб — 56-52-78

БЎЛИМЛАР

Касаба уюшмалари ва мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79. Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар —56-87-78, 56-87-63. Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-23-10. Бухорода — 3-50-10. Гулистонда — 2-24-98. Жиззахда —3-82-18. Навоийда —3-41-99. Намангандa — 6-22-10. Нукусда — 2-44-46. Самарқандда — 35-64-22. Термизда — 2-70-07. Тошкентда — 56-82-79. Фарғонада — 24-48-53. Урганчда — 6-03-40. Қаршида — 5-33-71.

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб ёзилмайди. Таҳририят воситачилик қилмайди. Мақолалардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.

• Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
• Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

• Нашр курсаткичи: 64560; 64561.
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.
• IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Формати А-2, ҳажми 2 босма табоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Буюртма Г- 0516. Босишга топшириш вақти — 19.00. Топширилди 22.00. Масъул навбатчи: Носир ТОШЕВ 1 2 3 4 5 6